БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 59 (550)

21 МАРТ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

С'езд, кўпгина колхозларнинг иқтисодий имкониятлари анча ошган ҳозирги вақтда, ҳамиша биринчи ўринда туриши лозим бўлган ишлаб чиқаришни ҳартомонлама кенгайтириш блан бир қаторда, колхозларда уй-жой бинолари, клублар, болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший муассасалар қуришга жиддий э'тибор бериш зарур, деб ҳисоблайди.

(КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюциясидан).

Маданий-оқартув муассасаларининг ҳозирги энг муҳим вазифалари

Партиямизнинг XX с'езди коммунистик қурилишнинг янги, улуғвор вазифаларини белгилаб берди. С'езд қарорлари ижодкор совет халқининг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини янада зўр куч блан юксалтириб юборди. С'езд оғир саноатни устун даражада ривожлантириш, техниканы тинмай тараққий этдириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш базасида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кенг миқ'ёсда ўстиришни та'минлаш, шу асосда совет халқининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини анча оширишни асосий вазифа қилиб қўйди.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг партия XX с'езди қарорларида белгилаб берилган жуда катта вазифаларини муваффақиятли бажариш—с'езд материалларини кенг пропаганда қилишни, меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришни ва бу соҳада олиб бориладиган ҳамма ишларни коммунистик қурилиш практикаси блан, ҳозирги даврнинг муайян амалий вазифалари блан маҳкам боғлаб олиб боришни талаб этади.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишда ҳамда кунсайин ўсиб бораётган ма'навий талабларини қондиришда идеологик жиҳатдан та'сир кўрсатишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланган маданий-оқартув муассасаларининг роли ғоят каттадир. Халқ маданий бойлигининг манбаи бўлган ва ўз атрофига миллионларча ишчи, ҳизматчи, колхозчи, совхоз ишчилари ва МТС механизаторларини уюштирган бизнинг маданий-оқартув муассасаларимиз социалистик маданиятимиз эришган муваффақиятларни пропаганда қилиш, меҳнаткашларни партия XX с'езди томонидан мамлакатимиз олдига қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этиш ва уларни онгли, юксак маданиятли, коммунизмнинг улуғ ишига чексиз садоқатли қилиб тарбиялашда ҳақиқий маданий марказ бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳамда ишчи посёлкаларида кўпгина маданият ўчоқлари—клублар, маданият уйлари ва саройлари, кутубхона ва ўқишхоналар, радиоузел, стационар ва кўчма киностановкалари ишлаб турипти. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатмоқда, уларга коммунистик ахлоқ, онгли интизомлилик ва маданий поклик каби юксак инсоний фазилатларни сингдиришда муҳим роль ўйнамоқда. Иш яхши ташкил этилган маданий-оқартув муассасаларида амалга оширилаётган бутун тадбирлар ҳозирги кунниг муҳим амалий вазифалари блан боғлаб олиб борилаётир.

Лекин шуни э'тироф қилмоқ керакки, областимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидаги маданий-оқартув муассасаларида ҳам иш бирхилда олиб борилаётир, мавжуд имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётир, деб бўлмайди. Бизда ҳали шундай маданий-оқартув муссасалари—клублар, кутубхоналар, ўқишхоналар, маданият уйлари, лекция бюролари ва лекторлик группалари ҳам борки, уларнинг иши кўпинча конкрет хўжалик-сиёсий вазифалардан ажралиб қолган, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш талабларига тўла жавоб бермайди.

Масалан, Оққўрғон районидаги маданий-оқартув муассасаларининг меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиши аҳолининг тўхтовсиз ўсиб бораётган талабларидан кейинда қолмоқда. Район маданият уйи, қишлоқ клублари ва кутубхоналарида деярли ҳечқандай оммавий тадбирлар уюштирилмайди, виставкалар ташкил этилмайди ва китобхонлар конференциялари ўтказилмайди. Меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган лекция пропагандаси ҳам қониқарли аҳволда эмас.

Кино совет кишиларининг маданий савиясини оширишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда, ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда энг кучли воситалардан биридир. Лекин аҳолига кино хизмати кўрсатишни айниқса қишлоқ жойларида яхши аҳволда, деб бўлмайди. Чунончи, Гулистон районида қишлоқ аҳолисига кинофильмлар кўрсатишни яхшилашга жиддий э'тибор берилмаётир. Район марказидан узоқроқ масофадаги колхоз қишлоқларида кинофильмлар онда-сондагина кўрсатилмоқда. Область маданият бошқармаси ҳамда район партия ва совет ташкилотлари бундай аҳволга тоқат қилиб келмоқдалар, идеология ишининг бу жуда муҳим соҳаси устидан кунсайин контроль қилиб турмайдилар.

Маданий-оқартув муассасаларининг ишларида бундай жиддий камчиликлар шунинг учун юз бермоқдаки, область маданият бошқармаси ва лекция бюроси ҳамда жойлардаги айрим партия ва совет ташкилотлари уларга конкрет ва оператив раҳбарлик қилмаётирлар, қишлоқлардаги маданият ўчоқлари ходимларига нисбатан қаттиқ талабчанликни оширмаётирлар, лекторлар бюролари ва группаларига амалий ёрдам кўрсатмаётирлар.

Партия XX с'езди қабул қилган қарорлар буюк ижодий ва яратувчилик ишига бел боғлаб киришган совет кишиларининг қалбини севинч ҳислари блан тўлдирмоқда ва уларни меҳнат соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришишга руҳлантирмоқда. Омманинг ижодий активлиги тобора ошиб бораётган ана шундай бир вазиятда маданий-оқартув муассасаларининг меҳнаткашлар ўртасида олиб борадиган ишлари айниқса юксак даражага кўтарилиши лозим. Улар с'езд материалларини, партиямизнинг доно сиёсатини оммага етказишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Бу соҳадаги ҳамма ишларни яхшиламасдан туриб, партиямиз XX с'ездининг тарихий қарорларидан келиб чиқадиган катта вазифаларни муваффақиятли бажариш мумкин эмас. Шуни унутмаслик керакки, хўжалик ишларидаги муваффақиятларимиз кенг меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий, оммавий-агитация ва маданий-оқартув ишларининг савияси ва сифатига боғлиқдир. Шундай экан, маданий-оқартув муассасалари кўкламги экишга тайёргарлик кўришнинг энг қизғин ва мас'улиятли даври бошланган ҳозирги вақтда асосий э'тиборни колхозчилар, совхоз ишчилари ва МТС механизаторларининг кўкламга зўр уюшқоқлик блан пухта тайёргарлик кўришларига ва экишни қисқа муддатда юқори сифатли қилиб ўтказишга қаратишлари керак. Аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш, турли темаларда системали равишда доклад, лекция ва суҳбатлар ўтказиш, дала шийпонларини кўргазмали агитация воситалари блан тўла та'минлаш, кўчма кутубхоналар ташкил этиш, пахтакорлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ходимларига мунтазам суратда кинофильмлар кўрсатиш ва илғорлар тажрибасини оммалаштиришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш—маданий-оқартув муассасалари ходимларининг шарафли бурчидир.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари маданий-оқартув муассасаларининг кўкламги экиш кампанияси давридаги фаолиятини тобора кучайтиришлари, уларнинг ишлари устидан кун-сайин контроль қилиб туришлари зарур. Маданий-оқартув муассасаларининг ишлари ҳаёт блан маҳкам боғлаб олиб борилиши, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириши ва хўжалик вазифаларини амалий равишда ҳал этишга ёрдам бериши лозим.

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян Москвадан жўнаб кетди

Покистон Ҳукуматининг таклифига мувофиқ Совет Ҳукуматининг махсус вакили, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян Покистон республика деб э'лон қилинишни муносабати блан ўтказиладиган байрамда қатнашиш учун 20 мартда Москвадан Карачига жўнаб кетди.

Покистонда А. И. Микоянга СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССРнинг Покистондаги элчиси И. Ф. Шпедько ва вакил Ф. П. Доля ҳамроҳ бўладилар.

Марказий аэродромда А. И. Микоянни СССРнинг Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Иқтисодий алоқалар ишлари Бош Бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР ТИМ Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўлимининг мудири Б. М. Волков, СССР ТИМ Протокол бўлими бошлиғи вазифасини бажаруви Л. Ф. Теплов ва бошқалар кузатиб қолдилар.

А. И. Микоянни шунингдек, Фавқулодда ва Мухтор Элчилар: Бирма Иттифоқидан — Монг Он, Ҳиндистон Республикасидан — К. П. Ш. Менон, Афғонистондан—Ғ. Я. Тарзи, Хитой Халқ Республикасидан — Лю Сяо, Муваққат Ишончли Вакиллар: Покистондан Маҳмуд Аҳмад, Вьетнам Демократик Республикасидан — То Куанг Дау, Мўғулистон Халқ Республикасидан — Л. Тойбо ҳамда аналу элчихоналарнинг ходимлари ҳам кузатиб қолдилар.

А. И. Микоян Афғонистон, Ҳиндистон, Бирма, Вьетнам Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва Мўғулистон Халқ Республикаси Ҳукуматларининг таклифига мувофиқ аналу мамлакатларда ҳам бўлади. (ТАСС).

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микояннинг Тошкентда бўлиши

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян Покистонга ўтиб кетатуриб, 20 мартда Тошкентга келди.

Тошкент аэродромида А. И. Микоянни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. А. Муҳиддинов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников, О. А. Алимов, М. А. Абдураззоқов, З. Р. Раҳимбобоева ҳамда республика партия ва совет ташкилотларининг бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари А. И. Микоянни қизғин табрикладилар.

Кечқурун А. И. Микоян Навоий номли ўзбек опера ва балет театридаги концертда ҳозир бўлди. (ТАСС).

Туркия Республикасининг Президенти

Жалол БАЯР

Жаноб Олийларига

АНҚАРА.

1921 йил 16 мартда имзоланган ва Туркия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда шу қалар муҳим роль ўйнаган Совет-Туркия Шартномасининг 35 йиллиги муносабати блан Сиз Жаноб Олийларидан менинг чин қалбдан юборган саломларимни ва шахсан Сизга бахтиёрлик ва сиҳат-саломатлик тилаб, шунингдек турк халқининг яйраб-яшнашини тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Москва, Кремль
1956 йил 15 март.

Совет Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

Маршал К. ВОРОШИЛОВ

Жаноб Олийларига

МОСКВА

Икки мамлакатимиз ўртасида 1921 йил 16 мартда имзоланган мавжуд Шартноманинг йиллиги муносабати блан менга камол-иҳтиром блан юборган мактубингиз учун Сиз Жаноб Олийларига ташаккур айтаман ва Сиз Жаноб Олийларига сиҳат-саломатлик ва Совет Иттифоқи халқларининг яйраб-яшнашини тилаб ўзимнинг энг яхши истакларимни юбораман.

Туркия Республикасининг Президенти ЖАЛОЛ БАЯР.

Анқара.

Н. А. БУЛГАНИН МАРШАЛ ЧЖУ ДЭНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1956 йил 20 мартда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари маршал Чжу Дэни қабул қилди.

Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо маршал Чжу Дэга ҳамроҳ бўлиб келди.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко ҳамда СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин ҳозир бўлдилар.

Н. А. Булганин блан маршал Чжу Дэ ўртасида самимий ва дўстона суҳбат бўлди. (ТАСС)

Н. А. БУЛГАНИН БИРМА ИТТИФОҚИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ Г. МОНГ-ОННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1956 йил 20 мартда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Г. Монг-Онни қабул қилди. Г. Монг-Он Бирма Бош Министри У Нунинг мактубини Н. А. Булганинга топширди. (ТАСС).

В. М. Молотов маршал Чжу Дэни қабул қилди

19 мартда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари маршал Чжу Дэни қабул қилди.

Қабул вақтида Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо ҳамда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко ҳозир бўлдилар.

В. М. Молотов блан маршал Чжу Дэ ўртасида халқаро аҳвол масалалари юзасидан суҳбат бўлди, суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Л. М. КАГАНОВИЧ ВА М. З. САБУРОВ МАРШАЛ ЧЖУ ДЭНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

20 мартда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Л. М. Каганович ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари М. З. Сабуров Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари маршал Чжу Дэни қабул қилдилар.

Қабул вақтида Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо ҳозир бўлди.

Л. М. Каганович, М. З. Сабуров ва маршал Чжу Дэ ўртасида самимий, дўстона суҳбат бўлди.

Шайх Муҳаммад Ал-Ашмарга „Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун" Халқаро Сталин мукофоти топширилди

ДАМАШҚ, 19 март. (ТАСС). Дамашқнинг катта кино-театрларидан бири бўлган «Фардус» кино-театрида 17 мартда Сурияниинг етакчи жамоат арбоби, Сурия тинчлик тарафдорлари Миллий комитетининг раиси шайх Муҳаммад Ал-Ашмарга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотини топшириш тантанали маросими бўлди.

1500 кишига мўлжалланган кино-театр зали одамлар блан лиқ тўлган эди. Мукофотни топшириш маросимида Сурияниинг етакчи давлат ва сиёсий арбоблари: парламент раисининг ўринбосари Рафиқ Башшур, ички ишлар министри Али Бузо, парламент депутатлари, етакчи жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар. Маросимда СССРнинг Суриядаги элчиси С. С. Немчина, Суриядаги бирқанча четэл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳамда вакиллари ҳозир бўлдилар.

Шайх Муҳаммад Ал-Ашмарни табриклаш ва қутлаш учун Ливан, Иордания ва Ироқ тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг вакиллари келдилар. Лауреат номига жаҳоннинг ҳамма томонидан ўнлаб табрик телеграммалари олинди.

Тантанали маросимни ёзувчи ва Сурияниинг жамоат арбоби Мунир Сулаймон қисқача нутқ сўзлаб очди.

Сўнгра профессор Нозим Мусли (Сурия), доктор Набих Рушайдот (Иордания) ва Жорж Ханна (Ливан) лауреатни табриклаб нутқ сўзладилар.

Халқаро Сталин мукофотлари Комитети номидан делегация раҳбари, тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси ёзувчи Николай Тихонов сўзга чиқди.

Н. С. Тихонов шайх Муҳаммад Ал-Ашмарни юксак мукофот блан қизғин табриклаб бундай деди: «Мен Сизни тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети номидан, барча совет кишилари номидан чин қалбдан табриклашни истайман, совет кишилари Сизга тинчлик мукофоти берилганлигини Сизнинг ер юзидаги барча халқлар олдида қилган ғоят катта хизматларингизнинг ҳақли равишда ва юксак даражада тақдирланиши деб биладилар. Мен Сизга бу юксак мукофотни эрксевар Сурия халқининг пойтахтида — ҳақиқатан ҳам «Шарқнинг марварид»и деб аталган Дамашқ шаҳрида топшираётганлигим учун айниқса хурсандман».

Н. С. Тихонов қарсаклар остида шайх Муҳаммад Ал-Ашмарга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотининг лауреати дипломини ва олтин медалини топширади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати раисининг ўринбосари З. Бобохоновнинг Совет Иттифоқидаги 30 миллион мусулмон номидан табриклаб сўзлаган нутқини залдагилар гулдурос овация блан кутиб олдилар. З. Бобохонов шайх Муҳаммад Ал-Ашмарга совға қилиб, Совет Иттифоқида тикилган серҳашам чопонни кийгизди.

Халқаро тинчлик мукофотлари Комитети делегациясининг бошқа бир а'зоси — СССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси Г. В. Церетели араб тилида қисқача табрик нутқи сўзлади.

Шайх Муҳаммад Ал-Ашмарнинг илтимоси блан ўқиб берилган унинг нутқи катта э'тибор блан тингланди. Унинг нутқида, жумладан, бундай дейилади:

Бугун менга топширилаётган мукофот фақат менинг шахсий хизматларимни тақдирлашдангина иборат бўлмасдан, шу блан бирга, Сурия халқининг ва барча араб халқларининг эркинлик ва мустақиллик учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун олиб бораётган курашига берилган юксак баҳо деб ҳам ҳисоблайман.

Араб халқларининг озодлик ҳаракати ҳозирги вақтда янада кенгаябошлади, бунинг устига революцион йўл блан кенгаябошлади. Империалистик давлатлар бу ҳаракатни тўхтатишга ҳам, бостиришга ҳам қодир эмаслар, чунки бу ҳаракат мана шу халқларнинг чуқур қалбида вужудга келди. Бу ҳаракат зарурият туфайли ва ўтмишда араб миллати учун вужудга келган ва ҳозирги вақтда камол топаётган тарихий шароит туфайли туғилди.

Араб миллатининг бирлиги ва уни империализмдан қутқазиш учун кураш — биринчи даржали аҳамиятга эга бўлган вазифадирки, бу вазифа фақат шу райондагина эмас, шу блан бирга, бутун дунёда ҳам тинчлик ишига хизмат қилади, шунингдек бутун инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб тушади ва уруш шарпасини узоқлаштиришга ёрдам беради. Биз тинчликка қилаётган да'ватларимизни араб миллатининг бирлиги учун, унинг озодлиги учун олиб бораётган курашдан ажратмаймиз, чунки бу да'ватларимиз блан бу кураш бир-бирига чамбарчас боғланғандир. Шу сабабли, биз уч араб давлати бошлиқларининг қўшма баёнотини қўллаб-қувватлаймиз ва бу баёнотда: «Тинчликни та'минламоқ учун, тинчликни сақламоқ ва мустаҳкамламоқ учун олиб борилаётган иш давлатлар ўртасидаги дўстона ҳамкорликка, барча халқлар ўртасида тўла тенглик ва мустақиллик бўлишини, шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳурматлашни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қоидаларига ва принципларига риоя қилишни ўзига негиз қилиб олган ҳамкорликка асосланган ишдир», деган сўзларга қўшиламиз.

Шу сабабли биз айтамизки, барча давлатларнинг шу дўстона ҳамкорлик принципларини амалга оширишлари, шунингдек арабларнинг ҳуқуқларини ҳурматлашлари ва давлатларнинг манфаатларига ҳам, араб миллатининг манфаатларига ҳам баббаравар мос бўлиб тушади.

Араб халқлари чинакам озодлик ҳаракати даврига кирдилар, шунинг учун ҳам уларнинг ўзларини озод қилишларига ва бирликка эришишларига жаҳонда ҳечбир куч халақит бераолмайди. Биз барча манфаатдор давлатларни ва халқларни араб халқларига ўзларини озод қилиш учун, тинчлик ва бирлик учун олиб бораётган курашларида ёрдам беришга чақирамиз.

Эркинликка ва мустақилликка эришган араб халқлари индустриаллаштириш учун ҳамда ўзларининг маданий саниаларини ва моддий даражаларини ошириш учун кураш бошладилар. Шу халқларнинг олиб бораётган иқтисодий курашларида уларни қўллаб-қувватлаш шу районда тинчликни стабиллаштиришга кўп даражада ёрдам беради ва бу йўлга астойдил қадам қўйган барча давлатлар блан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга олиб боради.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини тинмай оширайлик

Комсомол-ёшларнинг область кенгашида

19 мартда Алишер Навоий номли театр биносида колхоз, совхоз ва МТСлардаги илғор комсомол-ёшларнинг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга областимиз блан мусобақадош Андижон области, Тожикистон ССРнинг Ленинобод ҳамда Жанубий Қозоғистон областьлари комсомол-ёшларининг вакиллари ҳам қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари «1956 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ва чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда қишлоқ комсомол ва ёшларининг вазифалари тўғрисида» область комсомол комитетининг секретари ўртоқ У. Кенжаевнинг докладини муҳокама қилдилар.

Докладчи ва музокарага чиққан ўртоқлар областимиз ёшларининг ўтган йили янги, прогрессив методларни қўлланиб, механизациядан унумли фойдаланиб, пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганликларини та'кидлаб ўтдилар.

Колхоз ва совхозларимизда экинлардан, айниқса пахтадан мўл ҳосил етиштиришда 20 мингдан кўпроқ йигит ва қиз актив қатнашдилар. 2500 комсомол-ёшлар бригадаси, 802 звеноси чигитни квадрат-уялаб, торқаторлаб экиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажардилар. Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхознинг комсомол Жабборов бошлиқ звеносининг а'золари чигитни янги усулда экдилар ва гўза қатор ораларини иккитомонлама ишладилар. Натижада 9,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан пахта ҳосили олинди. Бошқа кўпгина звено ва бригадалар ҳам ҳосилни оширишда катта ютуқларга эришдилар. Комсомол-ёшлар бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштириш, чорва маҳсулдорлигини оширишда ҳам анча муваффақиятларни қўлга киритдилар.

10 мингга яқин ёш теримчилар мавсумда 7—10 минг килограмм ва ундан ҳам ортиқ пахта теришга эришдилар. Пискент районидаги Молотов номли колхозда ҳосилнинг ярмидан кўпини комсомол-ёшлар териб бердилар. Колхоздаги 17 ёшлар звеносининг а'золари пахта тайёрлаш планини 106—130 процент қилиб бажардилар. Бўка районидаги Сталин номли колхознинг кўпгина ёшлари мавсумда ҳатто 15—18 минг килограммдан пахта тердилар. Илғор теримчи Саодат Гулаҳмедова эса 27 минг килограмм пахта териб, меҳнат унумини оширишда ҳаммага намуна бўлди.

Октябрь районидаги Пахта МТСининг механик-ҳайдовчиларидан Николай Железняков, Паша Дарвишев, Отахон Саидовлар ҳам машина блан пахта териш топширигини ошириб бажардилар. Ўртасарой районидаги 1-ячи МТСнинг ўртоқ Ким Сек-тик бошлиқ ёшлар трактор бригадасининг механизаторлари ёш трактор бригадаларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқдилар.

Музокарага чиққан комсомол-ёшлар колхоз, совхоз ва МТС комсомол-ёшларининг ўтган йилги ютуқларини мустаҳкамлаб, бу йил экинлардан янада мўл ҳосил етиштириш учун зўр бериб меҳнат қилаётганликларини айтиб ўтдилар.

— Партиямиз XX с'езди қарорларидан илҳомланган ёшларимиз, — дейди Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Гафуров, — 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Улар бутун ерларни ҳайдовдан чиқардилар, етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитларни жамғариб олдилар. Ҳайдалган ерлар бороналаниб, текисланиб, экишга тахт қилиб қўйилди.

Сирдар'ё районидаги Каганович номли, шунингдек Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг ўтган йили 61 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 ўрнига 32 центнердан пахта етиштирган ёшлар бригадасининг а'золари ҳам бу йил ҳосилни янада кескин ошириш учун зўр ташаббус кўрсатмоқдалар. Бу ҳақда Каганович номли колхоз а'зоси Ҳолматов, «Ленинобод» колхозининг бригада бошлиғи Алимбоев ўртоқлар батафсил сўзлаб бердилар.

Кенгаш қатнашчилари машҳур теримчи қиз Саодат Гулаҳмедованинг сўзини зўр э'тибор блан тингладилар. Ўртоқ Гулаҳмедова ўзи бошлиқ звено а'золарининг далаларга етарли миқдорда маҳаллий ўғит ташиб қўйганликларини, уларнинг ўзларига қарашли ерларни чигит экишга тахт қилганликларини, 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётганликларини гапириб берди.

Пахта МТСининг механик-ҳайдовчиси Железняков сўз олади.

— КПСС XX с'езди қарорларига амалий иш блан жавоб бериш учун курашаётган механизаторларимиз, — деди у, — трактор-лар ремонтини муддатидан олдин сифатли бажардилар. Биз чигитни уюшқоқлик блан қисқа вақт ичида экиб олишга колхозчилар блан бир сафда туриб ишлаймиз. Бунинг учун экиш агрегатларидан тўлиқ фойдаланиш тадбирларини кўриб қўйдик.

Тожикистон СР Олий Советининг депутати, Ленинобод область, Пролетарск районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи Зувайда Собирова ўзи бошлиқ ёшлар бригадасининг пахтадан мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларини гапириб берди. У бошлиқ бригада а'золари кейинги 4 йил давомида сурункасига пахта тайёрлаш планини бажариб келмоқда. Ўтган йили бригада 51 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экиб, уни ернинг намига ундириб олди. Натижада ҳар гектар ердан 43,5 центнердан ҳосил олинди. Даромад ҳам яхши бўлди. Ҳарбир меҳнат кунига 20 сўм 40 тийиндан пул, 3 килограммдан ғалла тақсимланди.

Бригада а'золари бу йил 70 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бу эса ҳарбир меҳнат кунига камида 25 сўмдан пул, 4 килограммдан ғалла тақсимланишига имкон беради.

Район ёшлари номидан сўзлаган Ўртасарой район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Бозоров Янгийўл, Андижон областининг Балиқчи, Жанубий Қозоғистон областининг Чимкент райони ёшларини пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан социалистик мусобақага чақирди.

Пискент район комсомол комитетининг секретари Алимова, область пиллачилик бўлимининг бошлиғи Александров, Жанубий Қозоғистон область Пахтаорол районидаги «Текистик» колхозининг звено бошлиғи Бўташева, Ленинобод область комсомол комитетининг секретари Ғойибназаров, Андижон область комсомол комитетининг секретари Пўлчиев ва бошқа ўртоқлар ҳам музокарага чиқдилар.

Кенгашда пиллачилик, жамоат чорвачилигини ривожлантириш, сабзавот ва картошка маҳсулотларини кўпайтириш масалаларига ҳам катта э'тибор берилди.

Кенгаш қатнашчилари Тожикистон, Қозоғистон ёшлари блан ҳамкорликда ишлаб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ўз тажрибаларини ўртоқлашишлари зарур эканликларини та'кидладилар.

Кенгашда Ўзбекистон КП область комитетининг секретари ўртоқ С. Нуриддинов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришга яраша ишни ташкил қилиш юзасидан область ёшларига қарата Мактуб қабул қилди.

Кенгаш охирида илғорларга Ўзбекистон ЛКСМ область комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Бекобод олтинчи бешйилликда

Олтинчи бешйиллик планда Бекобод шаҳрини иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада юксалтириш кўзда тутилади. Янги бешйилликда шаҳардаги мавжуд саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида техникани тараққий этдириш, меҳнатни ва ишлабчиқаришни ташкил этишни ҳамма чоралар блан яхшилаш натижасида меҳнат унумдорлиги бешинчи бешйилликдагига нисбатан анча ортади, маҳсулот ишлаб чиқариш янада кўпаяди, унинг сифати яхшиланади ва таннархи камаяди.

Шаҳар саноатининг ривожланиши асосида Бекободнинг қиёфаси ҳам ўзгаради. Бу ерда янги мактаб, клуб, маданият саройи, касалхона, болалар боқчаси, ясли каби социал-маданий муассасалар қурилади. Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлиги янада юксалади.

Шаҳримиз истиқболи порлоқ

Коммунистик партия ва Совет давлатининг ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга оширши натижасида ўзбек халқининг ижодкорлик, яратувчилик қобилиятлари яйраб-яшнаб кетди, у эртакларда айтилганидек қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлларни яшнаган қишлоқларга, кўркам шаҳарларга айлантириб, дун'ё картасини ўзгартирмоқда.

Бекобод ўзбек, рус, қозоқ, тожик, татар ва бошқа қардош халқ вакиллари фарзандларининг оғаларча иноқликда қилган қаҳрамонона меҳнати натижасида қисқа муддат ичида республикамизнинг индустриал марказларидан бирига айланди. Бекободда ҳозир металл, электр қуввати, цемент, асбоцемент ва асботруба каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Генерал план асосида қурилган типовой бинолар, икки четига дарахт ўтқазилган катта асфальт кўчалар, шинам хиёбонлар, бежирим ва обод кинотеатр ҳамда парклар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Партия ва Ҳукуматнинг ғамхўрлиги ҳамда шаҳар меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасида Бекобод кўҳалик ва маданий жиҳатдан тобора юксалмоқда.

Сўнгги беш йилнинг ўзида шаҳар саноат комбинатининг ғишт заводи, инкубатор станцияси, 2 та маиший хизмат кўрсатиш комбинати, металлурглар маданият клуби, 2 та ўрта мактаб, каттагина ҳаммом, гастроном, кафе-ресторан, ошхона, чойхона, 2 та туғруқхона, шаҳар касалхонасининг янги икки бўлими, колхоз бозори каби бирнеча об'ектлар қурилиб, ишга туширилди. Бешинчи бешйиллик мобайнида шаҳар ишчи ва инженер-техник ходимлари давлатга қўшимча равишда 36 миллион 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб беришга муваффақ бўладилар. Умумий ҳажми 12 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди.

Олтинчи бешйилликда шаҳримиз саноатининг ҳамма тармоғи бешинчи бешйилликдагига қараганда анча тараққий этади. Шу давр мобайнида ғоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш диаграммада кўрсатилган миқдорда кўпайтирилади. 1960 йилга бориб, шаҳар саноатида меҳнат унумдорлиги 1955 йил даражасига нисбатан бирярим баравар ортади. Турли соҳаларда қурилиш ишлари кенг ҳажмда олиб борилади. Цемент заводи, металлургия ва асботруба заводлари ҳозирги замон техникаси асосида реконструкция қилинади.

Саноат ва қурилишнинг ўсиши асосида шаҳар меҳнаткашларининг моддий-маиший ва маданий турмуши янада яхшиланади, ишчи ва хизматчиларнинг реал ишҳаки анча кўпаяди. Янги бешйилликда шаҳримизнинг қиёфаси янада кўркамлашади. Чунки бу ерда янги-янги маданий-маиший об'ектлар, кўркам уй-жой бинолари ва бирнеча саноат корхоналари қурилади. Жумладан, темирбетон конструкциялари, ёғ-сут ва қамиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводлар, гўшт комбинати, алоқа конторраси, қишки кинотеатр, катта меҳмонхона, 2 та ўрта мактаб, 3 та болалар боқчаси ва ясли, металлурглар Саройи, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва павильон каби кўпгина бинолар қурилиб, ишга туширилади. Фақат шу йилнинг ўзида ободончилик ишларига 500 минг сўм сарфланади, 4 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой бинои қурилади.

Ўз-ўзидан маълумки, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни ҳамма чоралар блан яхшилашга жиддий эътибор бермай туриб, бундай вазифаларни бажариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XX с'езди қарорларига амал қилган ҳолда ўз ишларини жиддий равишда қайта кўриб чиқмоқдалар. Ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларнинг актив иштирокида перспектив ташкилий-техника тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар асосан корхонани энг янги техника блан қуроллантиришга, цехларни янги талаблар асосида реконструкция қилишга, эскирган механизмларни модернизациялашга, прогрессив технологияни жорий этишга, меҳнатни ва ишлабчиқаришни ташкил этишнинг қулай усулларини қўлланишга қаратилган.

Металлургия, цемент, асботруба заводлари, Фарҳод ГЭС, 32-нчи қурилиш трестининг 704-нчи УНРда ва бошқа корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга хизмат қиладиган ташкилий-техника тадбирлари ишлаб чиқилди.


Шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга ҳарқачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бермоқда. Белгиланган планларни амалга ошириш учун изчиллик блан кириши, рационализатор ва ихтиро'чилик ҳаракатини оммавий тус олдириб юбориш, ишдаги бюрократизм ва эскиликка ёпишиб олиш каби ярамас ҳолларга қарши кескин кураш олиб бориш, ҳарбир машина ва механизмнинг унумлироқ ишлашини та'минлаш учун барча чораларни кўриш партия ташкилотларининг жанговар бурчидир. Коммунистлардан ҳозир ҳарқачонгидан кўра кўпроқ энергия блан ишлаш, партия XX с'езди кўрсатмаларини амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатиш талаб қилинади.


Шаҳар корхоналаридаги кўпгина бошланғич партия ташкилотлари бу соҳада анча активлик кўрсатиб ишламоқдалар. Шаҳар бўйича 2 ойлик давлат плани анча оширилиб бажарилгани бунинг далилидир. Лекин ютуқлар блан бирга қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Айрим корхоналарда социалистик мусобақа, рационализаторлик ҳаракати каби масалаларга формал бюрократларча муносабатда бўлинмоқда, ишлабчиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаётир, партия ташкилотлари эса шундай аҳволга тоқат қилиб келяпти.


Шаҳар партия комитети барча ишчи ва инженер-техник ходимларнинг техника билимини ҳартомонлама ошириш тадбирларини кўрмоқда. Лекин бу соҳадаги ишлар ҳам юқори савиида ўтаяпти, деб бўлмайди. Айниқса илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва пропаганда қилишда бошланғич партия ташкилотлари етарли даражада ғайрат кўрсатмаётирлар. Бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифа—корхоналарнинг фаолиятини ҳамма чоралар блан яхшилаш, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни янги талаблар даражасига кўтаришдан иборатдир. Шаҳримиз хўжалиги ва маданиятини эндиги юксалиш сура'ти кўп жиҳатдан ана шу вазифаларнинг қандай бажарилишга боғлиқ. Ишонч блан айтиш мумкинки, шаҳар меҳнаткашлари ўз зиммаларига юклатилган бу вазифаларни шараф блан бажарадилар.


К. БЕКАЕВ,
Ўзбекистон КП Бекобод шаҳар комитетининг секретари.

















«Узгоспроект»нинг типовой проект бўли ми 12 квартирали уй-жой биноси лойиҳа сини ишлабчиқди. Олтинчи бешйилликда Бекобод шаҳрида шу проект асосида бирнеча бино қурилади. **Суратда** (чапда н ўнгга) конструктор **Н. Я. Большем**, проект авторларидан бири **В. Д. Иванов** ва конструктор **Л. Е. Горлицкий** ўртоқ лар типовой проект макетини муҳокама қилмоқдалар.

В. Салов фотоси.

ГЭСдаги суҳбат

Тўлқин Зокиров квартирасида бирнеча минут ўтирдик, гапимиз-гапимизга қовушмасди. Гап орасида Тўлқиндан, энергиянинг қандай ишлаб чиқарилишини кўрсатсангиз, деб илтимос қилдик. ГЭС томон борар эканмиз эркинроқ гаплашиб кетдик.

Кўринишдан ёши йигирмага ҳам етмаган, жуссаси кичкинагина, қорачадан келган, жингалак, тимқора сочли суҳбатдошимиз тортинчоқ ва қам гап эди. Шу сабабли у ҳақидаги маълумотларни турли савоплар воситаси блан билиб олишга тўғри келди. Маълум бўлишича, Тўлқин ўрта мактабни тугатгач, САЗПИга кирган ва ўтган йили бу институтнинг энергетика факультетини тугаллаган. Кадрларни тақсимлаш давлат комиссияси уни Фарҳод ГЭСга ишга тайинлаган.

Тўлқин ГЭСда дастлаб старший навбатчи-инженер, тажрибали энергетик Виктор Алфёровнинг қўлида лаборатория мастерлигига стажировкадан ўтади. Унга, фақат унгагина эмас, балки унинг курсдош дўсти Ўткир Камолиддиновга ҳам, Куйбишев индустриал институтини битириб келган Лидия Гараевага ҳам, Москва энергетика институтида тарбияланган Евгений Котковниковларга ҳам Николай Сидоров, Александра Камшанова, Файзиль Гохштейн сингари кекса, тажрибали инженерлар ўз практик билимларини қунт блан ўргатабошлайдилар.

— Бизга ҳаммадан кўра кўпроқ практика, малакз зарур, — деди Тўлқин. Бу эса ана шу устозларимизда бор. Улар билганларини биздан сра аямайдилар.

Суҳбат қизиб кетганидан ГЭС кўпгини устига, Сирдар'ёнинг халқумидан бўғилган жойга келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Шамол юқори вольтли темир столбаларга, кабельларга урилиб ҳуштак чаларди. Тўлқин шапкасини маҳкам бостириб олиб, бизни кўприк ўртасига бошлаб борди ва ажиб тобланаётган лойқароқ сувни кўрсатиб:

— Мана шу сув бизнинг ҳомаш'ёмиз, — деди жилмайиб, — сув худди шу ердан тақсимловчи шчитлар орқали 4 та трубопроводга ўтади. Улардан куч блан отилиб тушадиган сув, — у бир бирига ёнма-ён ва қия қилиб ўрнатилган улкан-улкан темир қувирларни бармоғи блан ишора қилиб кўрсатди, — ротор деган катта парракни айлантиради, сўнгра ротор подшипниклар воситаси блан жуда катта тезлик блан генераторни айлантиради, генератор эса электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу энергия трансформаторга узатилади, трансформатор эса унинг кучланишини анча ошириб, очиқ подстанцияга беради, подсанциядан белгиланган линияларга кабель орқали тақсимланади. Қисқача қилиб айтганда, электр қуввати ҳосил қилиш процесси шундан иборат.

ГЭС биноси. Эшигига «Пульт» деб ёзиб қўйилган хонага киришимиз блан унинг ўртасида телефонлар установкаси ўрнатилган столда ўтирган уч кишига ва ёнма-ён қўйилган аппаратураларга кўзимиз тушди. Ўтирган кишилар блан саломлашиб, аппаратларни завқ блан кўздан кечирабошладик.

Тўлқин бизни бир аппарат олдига бошлаб борди.

— Мана бу, — деди, у — импульс орқали телемеханика усулида ишлайдиган автомат. Шунинг воситаси блан бизнинг ГЭСни ҳозир Тошкентдан туриб бошқаришаяпти.

Бу янгилик бизни жуда қизиқтирди. Бу ерда сонсаноқсиз механизмлар, қудратли агрегатлар тургани ҳолда уларни 150 километр наридаги марказий пультдан бошқариш, худди мўжизадек бўлиб туюлди. Тўлқин бу аппаратнинг ишлаш принципини, асосий хусусиятларини сўзлаб берар экан, унинг кўзида қандайдир нур чақнаётгандек, ўзи кулмаса ҳам юзкўзи жилмаяётгандек эди. ГЭС ҳақида, ўз касби тўғрисида бизга у, шу минутгача сра ҳозиргидек жўшқинлик блан гапирмаган эди. Бу ишларга бутун қалби блан берилиб кетганлиги унинг ҳарбир сўзидан сезилиб турарди. Ким билади дейсиз, уни ўтган саккиз ойдаёқ коллектив ҳурматига сазовор қилган омил шу тўлиб-тошган ғайрат, шу камтаринлик, ўз касбига бўлган ана шу оташин меҳр эмасмикин?

— Мен анча вақтдан бери телемеханикликка тайёрланаяпман, яқинда имтиҳон топшираман-да, кейин телемеханика автоматикаси бўйича старший инженер бўламан, — деди у.

Тўлқин олтинчи бешйилликда республикамиз саноати ва қишлоқ хўжалигининг янада зўр тараққий этишини та'минлашда энергетикларнинг ҳал қилучи роль ўйнашини яхши сезади, бу вазифаларни муваффақият блан бажаришда кекса гвардиячи-энергетиклар қатори у ҳам ёш инженер сифатида, энг асосий постда туриб садоқат блан ишлайди. Шу йилнинг ўзида республика саноат шаҳарлари ва қишлоқларига пландан ташқари етказиб бериладиган 30 миллион киловатт-соат электр қувватига Тўлқиннинг ҳам салмоқли ҳиссаси қўшилади. Мана шу орзу, шу ишончи унинг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшмоқда.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
З. ИСРОИЛОВ.

Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарамиз

Ишлабчиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажариш, технологияни яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда социалистик мусобақани тўғри ва мақсадга мувофиқ ташкил қилиш ҳал қилучи роль ўйнайди.

Цехимизда КПСС XX с'ездидан сўнг социалистик мусобақа янгича ташкил қилинабошланди. Цехда учта бригада бор. Ана шу бригадалар ўзаро мусобақалашадиган бўлсалар ўз имкониятларини тўла ҳисобга олиб, бажарилиши мумкин бўлган конкрет мажбуриятлар оладилар. Энг қувончли нарса шундаки, бригадаларнинг ҳарбир а'зоси мусобақа шартларининг конкрет бўлишини талаб қиладиган, ўз мусобақадошларининг кундалик иш натижалари блан чинакамига қизиқадиган бўлиб қолдилар.

Мусобақа шартларининг реал бўлиши ва иш натижалари блан бутун коллективнинг қизиқиши айрим смена ёки бригадалардагина эмас, балки бутун цех бўйича умумий юксалишга олиб келмоқда. Цехдаги мусобақадош учта бригаданинг ҳаммаси шу йилнинг январ, февраль ойлари топшириқларини ошириб бажарди. Февраль ойи учун олинган социалистик мажбурият муваффақиятли адо этилиб, қўшимча равишда 200 тонна прокат ишлаб чиқарилди. Мен мастерлик қилаётган биринчи бригада коллективи ўтган икки ой мобайнида пландан ташқари 600 тоннадан ортиқ сортли прокат тайёрлади.

Социалистик мусобақани янгича ташкил қилиш туфайли цехдаги ҳарбир ишчининг меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Старший валсовщиклардан Н. Каримов, Х. Маҳаминов, Х. Абдуллаев ўртоқлар кундалик нормаларини 160—170 процентдан ошириб бажармоқдалар.

Биз бундан кейин ҳам социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарамиз.

С. НУРИДДИНОВ,
В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг бригада мастери.



Областимиз саноатида телемеханика тобора кенг қўлланилмоқда. **Суратда:** «Узбекэнерго» системасининг Фарҳод ГЭСни Тошкентдан бошқаручи марказий диспетчерлик пунктида навбатчи энергетиклар иш устида.

В. Салов фотоси.

Техника прогресси учун

Олтинчи бешйиллик плани Директивларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини тинмай яхшилаб, бракни кескин равишда камайтириш масалаларига жиддий эътибор берилган. Шунга кўра заводимизда беш йил мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 178,3 процентга етказиш: мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлабчиқаришни механизациялаш, эски ускуналарни янгилари блан алмаштириш ва реконструкция қилиш ҳисобига асбоцемент трубалари тайёрлаш 1956 йилда 65 шартли километрга, 1960 йилда эса 535 шартли километрга қўпайтириш мўлжалланади. Янги цехлар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш орқали шифер ишлаб чиқаришни бу йил 11 миллион 750 минг шартли тахтага, 1960 йилда эса 23 миллион шартли тахтага етказишни планлаштирдик.

Юқоридаги вазифаларни тўла-тўкис бажариш бирқанча муҳим ташкилий-техника тадбирларини амалга оширишни талаб қилади. Ўз-ўзидан маълумки, ишлабчиқаришга янги техникани жорий қилмай, эски машиналарни ҳамма воситалар блан такомиллаштирмай, ишчиларнинг техника билимларини оширмай туриб, умуман техника прогресси учун курашмай туриб, олтинчи бешйилликдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Буни заводимизнинг оддий ишчиларидан тортиб инженер-техник ходимларигача яхши биладилар.

Техника прогресси учун кураш соҳасида ҳозиргача ба'зи муваффақиятларни қўлга киритдик. Қисқа вақт ичида заводдаги эски труба машиналари янгилари блан алмаштирилди, голландерлар реконструкция қилинди, уч ва тўрт метрли трубаларни юмалатиб қотиручи конвейерлар, токарлик участкасида эса труба ва муфталарга ишлов беручи яримавтомат станоклар ўрнатилди.

Ўтган йил охирида шифер ишлаб чиқариш бўйича дист формалаш машинаси ўрнатилган эди. Лекин заводимизда бу машинани бошқаришга тайёргарлиги бўлган кадрларнинг йўқлиги туфайли шифер ишлаб чиқаришни жиддий равишда кўпайтираолмадик. Шундан сўнг, ишчи ва инженер-техник ходимлардан 6 кишини шифер машинасида ишлашни ўрганиб келиш учун Қувасой шифер заводига юбордик. Улар жуда қисқа вақт ичида шифер машинасида ишлашни ўрганиб қайтдилар.

Шифер ишлаб чиқариш технологиясини бошқа ишчиларга ўргатиш мақсадида заводда курслар ташкил қилдик. Кўрилган тадбирлар ўзининг самарали натижаларини берди. Ўтган икки ойда шифер ишлаб чиқариш плани ортиғи блан бажарилди.

Факт ва рақамлар

✦ Олтинчи бешйиллик охирида шаҳар саноатида меҳнат унумдорлиги 1955 йилдагига нисбатан 1,5 баравар ошади.

✦ Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида бу бешйиллиқда цемент, металлургия, асботруба заводлари реконструкция қилинади. Биргина цемент заводини реконструкция қилиш учун 86 миллион сўм маблағ сарфланади.

✦ Узбекистон металлургия заводида 1956 йилда 100 га яқин ташкилий-техника тадбирлари амалга оширилади. Мартен печьлари гумбазини кромомагнезитлашга ўтишдек тадбирнинг ўзини амалга ошириш йилига қўшимча равишда 18000 тонна пўлат эритишни та'минлайди.

✦ Беш йил мобайнида шаҳарда темирбетон детальлари ва конструкциялари ишлаб чиқаручи, қамиш плиталар тайёрловчи, ёғ-сут заводлари, гўшт комбинати, алоқа конторраси ва бошқа бирқанча маданий-маиший муассасалари барпо қилинади.

✦ Фақат 1956 йилнинг ўзида 4000 квадрат метр уй-жой бинолари қурилади ва шаҳарни обод қилиш эҳтиёжларига 500 минг сўм сарфланади.

Ҳозирги пайтда ишчилар олдида шифер машиналарининг иш унумини янада ошириш ва кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш вазифаси турипти. Ҳозир заводдаги электрокара ва электропогрузчикларни ишга тушириш ва яримфабрикат ҳамда тайёр шиферни транспортировка қилишни механизациялаш мақсадида заряд станцияси монтаж қилинмоқда.

Шифер ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш ҳам энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бунинг учун тайёрлаш бўлимини кенгайтириш, волнировка қилучи станоқ ва автоклав ўрнатиш зарур.

Техника прогресси блан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда заводимиздаги рационализатор ва ихтиро'чилар коллективи муҳим роль ўйнайди. Янги бешйилликда ишчиларнинг техника билимларини ва ўз мутахассисликлари бўйича малакаларини ошириш соҳасида ҳам бир қатор муҳим тадбирлар кўрилади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, шаҳримизда қурилиш ташкилотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. УНР-704 қурилиш ташкилоти бошқа об'ектларни қуриш блан банд бўлганлиги туфайли заводларга ёрдам беролмаётир. Олтинчи бешйилликда биргина асботруба заводи эмас, металл, цемент заводлари ҳам реконструкция қилинади. Бизнингча, шаҳарда яна битта йирик қурилиш ташкилоти барпо қилиш масаласини ҳал қилиш вақти келди. Буни ҳарбир завод ҳузуридаги капитал қурилиш бўлимлари базаси асосида ташкил қилиш ҳам мумкин. Шундай қилинмаса, заводларни реконструкция қилиш ишини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди.

Заводни реконструкция қилишда учрайдиган айрим қийинчиликларга қарамай, коллектив техника прогресси учун курашни бўшаштирмай, шифер ва трубалар ишлаб чиқариш бўйича олтинчи бешйилликнинг биринчи йили—1956 йил планини ошириб бажарали.

А. ГУБИН,
Хильково асботруба заводининг бош инженери.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, чигит экиш бошлангунча ерларни ҳамда барча агрегатларни сифатли қилиб тайёрлайлик!

* *

Илғор райондаги айрим камчиликлар

Яқинда Оржоникидзе районидаги МТС-нинг кенгайтирилган Совети бўлиб ўтди. Советда КПСС XX с'ездининг якунлари ва колхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида район партия комитетининг секретари Ўртоқ Тошпўлатова доклад қилди. Докладчи ва МТС Советининг қатнашчилари музокарага чиқиб, МТС ва райондаги кўпчилик колхозларда кўклам экишига қониқарсиз тайёргарлик кўрилаётганини айтдилар.

Район пахтакорлари бу йил давлатга ҳар гектаридан 36 центнердан пахта топшириш ёки 1955 йилга нисбатан ҳосилни гектар ҳисобига 2 ярим центнердан кўпайтириш мажбуриятини олганлар. Ҳозир экишга тайёргарлик кўришнинг ҳал қилучи пайти ўтиб бормоқда. Броқ, МТС ва кўпчилик колхозларнинг раҳбарлари бу соҳадаги ўз жавобгарликларини сезмай, уюшқоқсизлик блан иш олиб бормоқдалар.

МТС колхозлар блан тузган шартномада кўрсатилган экиш олдидан бажарилиши керак бўлган муҳим ишларни қилмаётир. 326 гектар майда карталар йириклаштирилиши керак эди. Ҳалигача бир гектар ҳам ер йириклаштирилган эмас.

МТС коллективи барча маркадаги машиналарни пухта ва юқори сифатли қилиб тайёрлаш ва қайта ускуналаш мажбуриятини олган бўлса ҳам, уни ўз вақтида бажармаётир. Чопиқ тракторлари ва сеялкалар дала ишларига тайёр эмас. Эрментоев, Козловский, Ибодов, Давронов, Ойметов ўртоқлар бошлиқ трактор бригадалари ўз агрегатларининг тайёр ёки тайёр эмаслигини текшириб, аниқлаган эмаслар.

Район колхозлари бу йил 2600 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экади. Шунга қарамай техникани яхши биладиган, квадрат-уялаб чигит экишни пухта ўрганган кадрлар тайёрлашга мас'улиятсизлик блан қаралган. 92 тракторчи, 454 колхозчи агрегатларда ишлашга ўргатилиши керак эди, бу иш қилинмаган.

Ариқларни тозалаш ишлари ҳануз тугалланмаган. «Ленинград» колхози ариқ тозалаш планини 29 процент, «Сталинград» колхози 32 процент адо этди, холос.

Маҳаллий ўғитни қиш фаслида керагича тайёрлаш, уни далага чиқариб чуқурларда чиритиш ва минерал ўғитни ташиб олиш мумкин эди. Ҳолбуки бундан икки ой илгари район колхозларида 19060 тонна маҳаллий ўғит далага ташиб чиқарилган бўлса, кейинги 60 кун мобайнида 15140 тонна маҳаллий ўғит тайёрланган. Сталин номли, Киров номли, Охунбобоев номли, Навоий номли колхозларда жуда оз миқдорда — топшириқнинг атиги 30 процента миқдорида маҳаллий ўғит тайёрланган.

Колхоз правлениелари колхозчиларнинг унумли ишлаши учун зарур шароит яратиб берган эмаслар.

МТС Советида музокарада сўзлаган ўртоқлар МТС раҳбарларининг қониқарсиз ишлаётганликларини қаттиқ танқид қилдилар.

— КПСС XX с'ездининг тарихий қарорларидан руҳланган колхозимизнинг а'золари, — деди Маленков номли колхоз раиси ўртоқ Эгамбердиев, — пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш юзасидан юксак мажбурият олдилар. Биз бу йил ҳар гектардан 36,3 центнер ўрнига 39 центнердан пахта беришга аҳд қилдик. Юксак мажбуриятни бажаришда МТС бизга катта ёрдам бериши зарур. Аммо, МТС раҳбарлари дала ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар. Бизнинг колхозда 150 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилади. МТС энди битта сеялка берди. Бу ҳол квадрат-уялаб чигит экишни ҳозирданоқ хавф остида қолдирмоқда. Бундан ташқари, колхознинг 21 гектар ҳосилдор ерини ариқлардан чиқарилган тупроқ кўмуб ётибди. Бу ҳақда МТС дирекциясига кўп мурожаат қилдик. Лекин талабимиз бажарилмай қолаётир.

— Бригадамизнинг а'золари, — деди «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Эгамназаров, — олтинчи бешйилликнинг биринчи йилида гектаридан 45 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, умумхалқ мусобақасига қўшилдилар. Биз мўл ҳосил етиштиришга пухта тайёрлик кўрмоқдамиз. 75 гектар ер экишга тахт қилиб қўйилди.

Молотов номли колхозниг раиси ўртоқ Пўлатовнинг сўзи МТС Совети қатнашчиларини мутлақо қаноатлантирмади. У колхозда кўклам экишига тайёргарлик нима учун қониқарсиз ташкил қилинганлигини умумий сўзлар блан айтиб ўтишга уринди. МТС Совети МТС да, район колхозларида кўклам экишига тайёргарлик қониқарсиз бораётганини қайд қилди. Совет юз берган камчиликларни қисқа вақт ичида тугатиш тадбирларини белгилади. МТС Совети қатнашчилари пахта, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Янги боғлар ва токзорлар

Ўзбекистонда боғ ва токзорлар барпо қилиш ўнкунлиги бошланди. Республика ўтган йилдагига нисбатан бирярим баравардан ҳам кўпроқ мева дарахти кўчатлари ўтказилади. Колхоз ва совхозлар мева дарахтлари кўчатларининг ва токларнинг йигирма хилдан кўпроқ янги сортини оладилар. Бу сортлар маҳаллий мевачилик-узумчилик илмий-текшириш институтлари ва тажриба станцилари томонидан етиштирилган бўлиб, илгарири сортларга қараганда анча серҳосилдир.

Ўзбекистонда ҳамма жойда катта массивларда боғ ва токзорлар барпо қилинмоқда ва бу ишда механизмлардан кенг равишда фойдаланилмоқда. МТСлар колхозларга катта ёрдам бермоқдалар. Улар ўз паркларини плантаж трактор плугларн, «КД—35» маркали янги универсал чопиқ машиналари блан тўлдирдилар. Бу чопиқ машиналари қатор ораларини етмиш сантиметргача чуқур қилиб юмшатаолади, шунингдек токзорларни парвариш қилиш блан боғлиқ бўлган ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни ҳам бажараолади. Чуқурлар қазишда трактор канавокопательлардан биринчи марта кенг фойдаланилади. Масалан, Тошкент областининг Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз ўтган йили етмиш гектарлик массивда янги боғлар ва токзорлар барпо этиш вақтида шу машиналардан фойдаланиб, уч мингдан ортиқ меҳнат кунини тежади.

Тошкент ва Самарқанд областьларининг иш ҳажми энг кўп бўлган бирқанча МТСларида механизаторларнинг махсус бригадалари ташкил этилди ва улар кучли техника блан та'минланди. (ЎзТАГ).



Тошкент районидаги Каганович номли колхознинг а'зоси ўртоқ **Нодирота Маҳамадшохов** 85 ёшга кириб кексайиб қолганига қарамасдан ҳамон жамоат меҳнатига қатнашиб келаётир. **Суратда: Нодирота** парник ромларига ойна солмоқда.

Р. Исаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Гектаридан 30 центнердан пахта олиш учун

Сирдарё районидаги Маленков номли колхозда бу йил 960 гектар майдонда пахта етиштирилади. Ўтган йил янги прогрессив методни кенг жорий қилиб, пахта ҳосилини кескин суратда оширишга эришган бу колхознинг а'золари, бу йил янада кўпроқ майдонга чигитни квадрат, тўғрибурчак-уялаб экишни планлаштирдилар.

Ма'лумки, квадратлар аниқликни талаб этади. Бунинг учун чигитни квадрат-уялаб экишни биладиган кадрлар тайёрлаш керак. Шу блан бирга квадратларнинг аниқ бўлиб чиқиши учун ер шароити ҳам унга мувофиқ бўлиши шарт. Буни э'тиборга олган колхоз а'золари кўпгина майдонларда уват, марзаларни бузиб ташладилар, суғориш тормоқларини қайта қуриб, ерларни яхлитлаштирдилар. Бу ишларни бажаришда МТС механизаторлари катта ёрдам бермоқдалар.

Колхозда чигитни квадрат-уялаб экадиган ҳарбир агрегат учун контролёр, режа симини тортучилар, кўчируучилар тайёрланди. Бу кадрлар ҳозирги кунларда яхлитлаштирилган участкаларни квадратларга ажратиб, контроль чизиқ ва агрегат биринчи йўлини аниқлаб қозиқлар қоқмоқдалар.

420 тонна минерал ўғит ва уруғлик чигит ташиб олинди. Жамғарилган маҳаллий ўғитлар далаларга чиқарилиб, махсус чуқурларга кўмилмоқда. Бу ўғитлар ўсув даврида гўзани озиқлантириш учун ишлатилади.

Шу кунларда механизаторлар кузда шудгор қилинган ва қишда ҳайдалган ерларни бороналамоқдалар. Бу йил колхозда трактор ва далачилик бригадалари ишларини тўғри қўшиб олиб бориш учун ҳозирдан бошлаб ҳарбир бригадага 1—2 тадан тракторчилар бириктириб қўйилди.

Маленков номли колхозниг пахтакорлари бу йил ҳар гектар ерда 30 центнердан ҳосил етиштириш учун ўзаро мусобақани бошлаб юбордилар.

К. ҚУРБОНОВ,
Ч. ИЛ'ЁСОВ.

* * *

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Режа симидан тўғри фойдаланайлик

1956 йилда область колхозларида чигит квадрат-уялаб экиладиган ва гўза қатор оралари узунасига ҳамда кўндалангига ишланадиган майдонлар 135 минг гектарга етказилади, шу жумладан энг кўп ерга чигит квадрат-уялаб экилади.

Ўтган йил ҳам анча майдонларга чигит квадрат ва тўғри бурчак уялаб экилган эди. Броқ шу усулда ўстирилган гўзаларнинг қатор ораси ҳамма ерда ҳам иккитомонлама ишланмади. Бунинг сабаби шуки, айрим колхоз ва совхозларда чигитни квадрат-уялаб экишнинг асосий қоидалари бузилди. Квадрат-уялаб экиш техникаси талабларига риоя қилмаслик, кўп ҳолларда экиш агрегатлари шахсий составида ишлаган кадрларга ишни пухта ўргатмаслик, айрим жойларда агрегатга ҳечқандай тайёргарлиги бўлмаган кишиларни бириктириб қўйиш натижасида квадратлар тўғриланиқ бўлиб чиқмади. Шунинг учун ҳам қатор оралари кўндалангига ишланмай қолиб натижада янги, прогрессив усулнинг афзалликларидан фойдаланиш мумкин бўлмади.

Квадрат аниқликни талаб этади. Демак уялар ҳам узунасига, ҳам кўндалангига олинган қаторларга тўғри чизиқ бўлиб тушиши керак, уяларнинг тўғри чизиқдан бироз оғиши ҳам қаторнинг элементар талабга мувофиқ даражада тўғри бўлиб чиқмаслигига сабаб бўлади. Кейин бу қатор ораларини трактор культиватори блан ишлаш мумкин бўлмайди. Бундай камчиликни бартараф қилиш учун барча ташкилий-техник тадбирларни кўриш блан бирга режа симларидан тўғри фойдаланиш зарур.

Кўпгина қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида режа симидан фойдаланиб, махсус квадрат-уялаб экадиган сеялкалар воситаси блан ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштиришга қараганда чигитни оддий усулда қатор қилиб экиб, кейин машина блан яганалаш йўли орқали квадратлар ҳосил қилиш осон, деган фикр тарқалган. Бу мутлақо нотўғри ва хато фикрдир. Бу тўғрида шуни уқдириб ўтиш зарурки, махсус сеялкалар етишмаган тақдирдагина гўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш учун оддий усулда қатор қилиб ўстирилган гўзаларни механизация асосида букетлаш орқали квадратлар ҳосил этишга йўл қўйилади. Агар хўжаликлар махсус сеялкалар блан та'минланган бўлсалар, ҳеч сўзсиз чигитни ана шу сеялкалар блан квадрат-уялаб экиш керак.

Қаторлаб ўстирилган гўзани механизмлар воситаси блан букетлаш усулининг жиддий камчиликлари бор. Масалан, биринчидан, кўкламда об-ҳаво шароити ноқулай бўлиб қолса чигит биртекис ва қийғос униб чиқмайди, бинобарин бундай экинларни машина блан букетлаб бўлмайди. Агар борди-ю, гўза машина блан букетланганда ҳам туплар жуда сийрак бўлиб қолади ва мўл ҳосил олиш та'мин этилмайди. Чигит режа симидан фойдаланиб, махсус сеялкалар блан экилганда эса, экишнинг ўзидаёқ механизмлар воситаси блан қатор ораларини бемалол узунасига ва кўндалангига ишлаш учун асос солинади.

Иккинчидан, оддий қатор қилиб экилган вақтда уруғлик кўп сарф бўлиб кетадики, буни ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас. Оддий қатор қилиб экишнинг хўжалик жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмаслигини шундан кўриш мумкинки, бу усул татбиқ этилганда уруғ экиш нормаси икки-уч марта ортиб кетади. Ҳолбуки, бу чигитдан кўп миқдорда ёг, кунжара ва бошқа махсулотлар олиш мумкин. Бунинг устига бунетировка қилиш вақтида мирғак гўзаларнинг кўпи нобуд бўлиб кетади.

Уялаб экадиган сеялкалар мавжуд бўлгани ҳолда чигитни оддий қатор қилиб экиш исрофгарчиликнинг ўзгинасидир. Шунинг учун режа сими ёрдами блан чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялкани ишлатишни яхши ўрганиб олиб, ҳарбир уяга 7—8 та уруғ ташлаб кетиш учун курашиш керак.

Республикадаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг ишлабчиқариш тажрибаларидан бизга шу нарса ма'лумки, режа сими ёрдами блан квадрат-уялаб чигит экиш ишига жиддий э'тибор берилган тақдирда яхши натижаларни қўлга киритиш мумкин. Масалан, «Совой» совхозида 820 гектар ерга режа симидан тўғри фойдаланиб, 60Х45 сантиметрли схема блан чигит экилди, қатор оралари 2,8 марта кўндалангига ишланди. 1-нчи Боёвут совхозида эса қатор оралари 2,5 марта кўндалангига ишланди ва бу далалардан мўл ҳосил олинди.

Квадратларнинг аниқ чиқиши учун бу йил режа сими ёрдами блан чигит экиш техникасига бирқанча зарур ўзгартишлар киритилди, чигит экиш техникаси такомиллаштирилди.

Чигитни квадрат-уялаб экишнинг янги усулида контроль чизиқ дала ўртасидан кўчирилиб, даланинг чигит экишда агрегатнинг биринчи йўли бошланадиган четига ўрнатилади. Мана шу чизиқда лебедка ўрнатилмасдан, балки фиксатор ўрнатилади. Бунинг қарама-қарши томонида лебедка блан барабан ишлаб туради. Чигит экиш олдидан шайба фиксатор ичига ўрнатиб қўйилади ва сим чигит экиладиган томонга тортилади. Трактрочи экиш агрегатини бошқаради ва режа симининг йўналишидаги ноаниқликларни тўғрилайди ҳамда унинг аниқ тўғри чизиқ бўлишини та'мин этади.

Экиш агрегати лебедкага яқинлашиб келгани сари симнинг таранглиги бўшашаверади. Шу сабабли лебедкани динамометрнинг белгисига қараб сими таранг қилиб туриши керак.

Чигит экиш ана шу усулда ўтказилса, кўндаланг қаторлардаги уяларнинг тўғри чизиққа жойланиши, сеялкаларнинг унумли ишлаши та'минланади ва контроль чизиқ участканинг ўртасида бўлган вақтда юз берадиган ноқулайликлар бартараф этилади.

Яна шундай фактлар ҳам аниқландики, чигит экиб бориладиган йўналиш блан контроль чизиқ орасидаги тўғри бурчакнинг нотўғри бўлиши оқибатида квадратлар аниқ бўлиб чиқмайди. Бу камчиликни бартараф қилиш учун тўғрибурчакни эрта баҳорда, чигит экиш ишлари бошланишига қадар махсус асбоблар ёрдами блан ер тузучи мутахассислар иштирокида ўтказиш тавсия этилди. Шу мақсадда чигит экадиган агрегатнинг биринчи йўли чизиги ва контроль чизиқ орасидаги мослик аниқлаб олинади. Агрегатнинг биринчи юриб ўтиш чизиги участканинг чап томонида, сеялка эпининг энг кўп чиқиб турган нуқтасидан бир ярим баравар масофада ичкарида бўлади, контроль чизиқ эса участканинг кўндаланг чегарасидан 6—7 метр масофа ичкарида бўлади.

Мана шу юқорида айтиб ўтилган чизиқлар кесишмаси тўғри бурчак (90°) бўлиб чиқиши учун уларнинг бир-бирини кесиб ўтган нуқтасига теодолит ўрнатилади ва бунинг ёрдами блан аниқ тўғрибурчак ҳосил қилинади.

Шундан кейин участканинг чегарасига, я'ни ҳарқайси чизиқ бориб етган жойни танишиб диванга ялпайиб ўтириб олди-да, сир бой бермасдан:

— Ўртоқ Қорабоев ўзлари бу ерда кўпдан бери ишлайдиларми? Яхши, яхши. Ҳаммаси бўлиб райпотребсоюзда неча киши ишлайди, аниқини... — деб ган бошлаган эди, Қорабоев унинг гапини иззоламоқчидай бўлиб:

— Шундай, ба'зи хизматчиларимиз ҳалигидақа... нима... интизомсиз... Шулардан ба'зисини янгиламоқчимиз. Бу тўғрида Ўртоқ Тоҳиров блан келишиб қўйганмиз... — деб қолди.

Шунда у ҳамон сир бой бермасдан турли-туман саволлар блан Қорабоевни ҳам, бошқа ходимларни ҳам расо гангитди. Гарчи райпотребсоюзда ҳамма ишлар жойида, кўнгил тўк бўлса ҳам, ба'зи-ба'зида бўлиб турадиган тасодифий воқиалардан Қорабоев ҳадиксираган. Райпотребсоюзда аллақандай бир ва'зият юз бериб турган пайтда, тошиб-пишиб кирган савдо бўлим мудири бу ўнғайсизликни ўртадан кўтарди:

—Э, — салом, салом!.. Ўртоқ Муқимбоев, қандай шамол учирди? Ўртоқ Қорабоев бу киши... Ҳалиги... Районда ўзлари боп бирор ма'қулроқ иш бўлса... деб келиб юриптилар... У... газетада «ишлайман» деб юрган бир танишимиз бор эдику, ўша кишига Ўртоқ ўзладилар, — деб қолди.

Томдан тараша тушгандек юз берган бу учрашувдан Муқимбоев:

— Ия, ҳаммага отнинг қашқасидек танилиб қолибман, — деб серрайганича ўтириб қолди.

Қорабоев анча енгил тортганидан, «ўҳ» деб қўйди.

Малик РАҲ'ОЙ.

ҲАДИК

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Кабинетда райком секретари Тоҳиров блан серсавлат ва барваста бир киши гаплашиб ўтирган эди. Эшик қия очилганда, «мумкинми?» деб бироз кириб келди. Тоҳиров янги кирган кишига «ўтиринг» дегандек имо қилиб жой кўрсатди. Кирган киши райпотребсоюз раиси Қорабоев эди. Кабинетда ўтирган серсавлат кишига кўзи тушиши блан Қорабоевнинг негадир юраги шув этиб орқасига тортиб кетди. Худди бир нарсасини йўқотган кишидай олазарак бўлиб қолди: ўтиришини ҳам, Тоҳировга бирор нарса дейишини ҳам билмай серрайганича туриб қолди.

Тоҳиров бўш жойни кўрсатиб яна «ўтиринг!» деди. Қорабоев тошиб қолди ва бўш ўринга бориб ўтирди. У, ер остидан «меҳмон»га назар ташлар экан, кўнглидан алланималар кечирарди... Ҳар эҳтимолга қарши режа тузиб ҳам қўйди: «Баъзарти шунақа бўлса, унақа қиламан... Ҳамма имконият бор... Аммо Тоҳиров зиқроқ одам-да! Ўзи ҳам қилмайди, бировга ҳам йўл қўймайди. Районга келганидан бери меҳмондорчилик... сувга уриб кетди. Бўлмасам...»

Шуларни ўйладию, Қорабоевнинг фикри чувалиб, Тоҳировдан нарёққа ўтаолмади.

Тоҳиров бироз касалманд бўлишига қарамай, сергайрат, жўшқин киши эди. У, ўз ишига жуда пухта, районда ва областьлагина эмас, ҳатто бутун республика миқёсида ҳам танилган, обрўйли секретарьлардан ҳисобланарди. Ўн йилдан бери районнинг хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётига раҳбарлик қилаверіб, райондаги одамларни ва ундаги шароитни мириданширигача билиб олган. Унинг олдига ишлаш блан киradиган район раҳбарлари ўз ишларини аввал яхшилаб пишиқтириб, хўб тарозига солиб кўрар, ўзлари қаноат ҳосил қилганларидан кейингина кирар эдилар. Унинг берган жавобига қараб ўз ишлари учун тегишли хулоса чиқариб олардилар.

Бир куни район раҳбар ходимларидан бири жиддий бир масала устида «ҳўп» деган сўзни икки марта такрорлаганида, Тоҳировдан жуда қаттиқ дакки еган эди. Тоҳиров: «Ўртоқ Қодиров, сизнинг жуда галати фе'лингиз бор экан, кишига кўнгинча «ҳўп» деб чап берасиз» деганида, у ерга киргудай бўлган эди.

Тоҳировнинг биркесарлигини район ходимлари яхши билардилар. Шунинг учун ҳам узоқ бир аймогининг сояи паноҳида бу районда қўзиқориндек пайдо бўлиб қолган Қорабоев Тоҳиров райком секретари бўлиб келганидан кейин ўзини қаёққа қўйишини билмай қолди: ўзини эл қатори тутишга, эҳтиёт бўлишга уринабошлади.

Қорабоев ишда тез-тез қоқилиб турар эди. Хусусан узоқ бир районда райпотребсоюз раисининг муовини бўлиб ишлаганида, ўз ишларини хаспўшлаш учун район ижроия комитетида мас'ул бир ишда ишловчи ходим блан ошначилик қилиб, унга райпотребсоюздан кўп нарсаларни «йўлини қилиб» оширган эди. Бир маҳал ўша кишининг миси чиқиб иши судга берилганида Қорабоев ҳам гувоҳ бўлиб: «Ҳа, берганман, лекин пулга, йўриги блан...» десаям, барибир ишдан четлаштириб юборилганди. Бунинг устига райпотребсоюзнинг ревизия хулосаси ҳам хунук манзарани кўрсатганди — анча мол етишмасди. Шу-шу, у дили сиёҳ бўлиб райондан бош олиб чиқиб кетишга, иккинчи бундай «ошночилик»ларни тақрорламасликка қасам ёд қилган эди. Ана энди Тоҳировдек қаттиқ қўл одамнинг раҳбарлигида ишлаш уни анча ўйлатиб қўйган, ҳарқадамда ўзига-ўзи ҳисоб бериб ишлайдиган, қинғирлик блан қилинадиган ишларнинг кўчасидан ўтмайдиган бўлиб қолганди.

Бир куни бувиси: «болам, нега энди илгаригидек уйга ҳечнарса ташимай қўйдинг» деганида, Қорабоев «сиз айтган катта толлар кесилиб кетган, бувижон» деб жавоб берган эди. Хотини ҳам сарф-харажатда ва рўзғор тутишда анча эпақага тушган, устига сарпо қўйиб, савлат тўкиб, савват кўтариб лозимада қилиб юрмайдиган бўлиб қолганди.

Шундан бери эски қилиқлари эсига тушса Қорабоевнинг юраги орқасига тортиб кетарди.

Қорабоевнинг юриш-турушини зимдан билиб юрган Тоҳиров унга самимий муомала қиларди. Буни Қорабоев ҳам яхши сезарди. Ёмон қилиқларини тарк этган Қорабоев, шундай қилиб, режага тушган бир ходим бўлиб қолди. Лекин у ўзидан пешқадамроқ кишилар блан учрашганида негадир ўзини бироз йўқотиб қўядиган одатидан ҳалиҳам тамомила қутилаолмаганди. Кабинетга кирганида ҳам шундай аҳволга тушиб, ўйлаб келган ишларидан биронтасини ҳам секретарьга айтолмади, чунки ҳалиги серсавлат кишининг бамайли хотир ўтирганини кўриб тошиб қолган эди. Одатда у бундай одамларни аксари юқори идоралардан келадиган раҳбарлардан, ёки газеталардан келадиган мухбирлар жумласидан деб биларди.

Серсавлат киши Қорабоев кирганидан кейин ҳам пинагини бузмай ўтираверди.

У аллақандай бир маросимда Тоҳировнинг ёнида ўтириб қолиб, у блан бироз ҳангамалашган, шу сабабли гўё ўзини унга яқин ошна бўлиб қолган деб ҳисоблар ва фурсатдан фойдаланиб, гап орасида, ба'зибир нарсаларни унга шама қилиб ҳам қўярди. Шунинг учун кабинетда худди аски таништардек ўзини жула эркин ҳис қилиб ўтирарди. Бунинг устига, у коверкот костюмининг чўнтагидан кумуш портсигарини олиб папирос чекмоқчи бўлар экан, «марҳамат қилсинлар» деганидек Қорабоевга ҳам тутди (Тоҳиров чекмасди). У аслида кашанда бўлмаса ҳам, шунчаки, папиросдан бир донасини олиб тутатган эди, бахтига, ўша заҳотиёқ ўчиб қолди. Ичида «хайрият» деганича папиросни чап қўлида секин эзгилаб туриб, дам Тоҳировга, дам серсавлат кишига жовдираб қарар эди. Бундай учрашувнинг оқибати нима блан тугалишини билолмай ҳайрон бўлиб турганида, Тоҳиров серсавлат кишига қараб: «Бу киши райпотребсоюзнинг раиси ўртоқ Қорабоев бўладилар» деб таништирган бўлди. Шунда Қорабоев оёгига худди тикан киргандек бир ирғиб тушди. «Нима бўлганда ҳам шу одам кетгунча индамай турсалар бўлар эди», деб ўпкалангандек қараш қилди.

Аммо Тоҳиров ҳар вақтдагидек хотиржам бир кайфиятда бўлиб, бунга парво ҳам қилмади.

Серсавлат киши темирни хўб қизиғида урибман-да, деб ўрнидан ғоз туриб, савлат тўкиб, Қорабоев блан сўрашмоқчи бўлди, аммо қандайдир ғайри ихтиёрий бир куч Қорабоевни унга дуч келтириб қўйган эди.

— Ҳа-ҳа, жуда соз! Ўртоқ Қорабоев...— дедию муддаони айтишдан олдин, ҳар вақтдаги одатича, руҳий ҳужумга ўтди. — Мана бунда сизларга доир материал бор экан. Манг, ўқиб кўринг, — деб газетани узатди.

Газетани олар экан, Қорабоевнинг эсхонаси чиқиб кетай деди. «Бизларга доир... Яна нима гап бўлди экан? Е бирор «нокас» эски ишларни қўзғатмикан?».

Шу ҳаёл ичида газетани ағдар-тўнтар қилиб варақлади, лекин кўз олдини туман босгандек бўлиб, ҳечнарсани кўролмади. Тили гудираб, ҳижолатда қолди.

У бу нотаниш киши «юқори идоралар»нинг биридан келган бўлса керак» деб кўнглидан ўтказган эди, унинг ҳалиги саволидан кейин қилган тахмини ростга чиққандай бўлиб, энди калаванинг учини бутунлай йўқотиб қўйди. У ночор бир аҳволда қолиб, кабинетдан чиқиб кетишини ҳам, ўтириб Тоҳировга гапларини айтишини ҳам билмасди.

Бир нафас ҳайкалдек қотиб турганидан кейин: «мен ҳозир, ҳозир...» деди-да аста туриб эшикдан чиқиб кетди, кейин орқасига қарамай, тўппа-тўғри идораси томон йўл олди.

Серсавлат киши ўзининг баланд парвоз гапларн блан ҳам Тоҳировни эритиб қўлга ололмади. У аксари: «Ҳеча фалончиникида (фалончи деганда амали каттароқ одамнинг номини тилга оларди) бирга бўлувдик... Бизникига бир марҳамат қилсалар, келишлари жуда пазанда-да...» деган гапларни кўп ишлатарди. Тоҳировдан қисқа «ҳа» ёки «йўқ» деган жавобларни олгандан кейин, тарвузи қўлтиғидан тушиб, «энди кетсам ҳам бўлар» деб кўзғолганида, Тоҳиров:

— Майли, яхши, ўйлашиб кўрамиз... — деб уни лоқайдлик блан узатиб қўйди.

Серсавлат киши райком биносидан чиққандан кейин, иши юришмай қолганини ўйлаб, латтадек бўшашиб кўчада анчагача туриб қолди. Кейин, «Тоҳировнинг олдида кўрдим-ку, балки бирор иш чиқар» деган ҳаёл блан тўппа-тўғри райпотребсоюз томонига йўл олди. Йўлда кетар экан матбуотда ишламаса ҳам ўзини «матбуотчиман» деб юрган бир ошнасининг қандайдир бир «амалдор» дўстига ёзиб берган хатчаси эсига тушиб, ўшани чўнтагидан олиб, яна бир ўқиб кўрди. Бу хатда «Ўртоқ Н. Мумкин бўлса шу қадрдон дўстимизни бирор ишга жойлаштириб қўйишга ёрдамлашсангиз — сизга ҳам, бизга ҳам наф'и тегади, дўстингиз В.» деб ёзилган эди.

Шу хатча далда берди шекилли, каттакатта қадам ташлаб кетди. Йўл-йўлакай «Нега шу кунларда ишим сра юришмай қолди. Илгари ҳарқанақа идора бошлигини ҳам авраб, ишимни дўндириб кетардим. Ё отнинг қашқасидек ма'лум бўлиб қолдимикан?» деган гапларни ҳаёлдан кечириб, у ерга етиб борганини ҳам билмай қолди.

Қорабоев райкомдан чиққандан кейин бошқа идораларда қиладиган ишларини унутиб, тўғри ўз идорасига етиб келган, ҳаммага бойбуқ бериб, жой-жойида бўлишини уқтирган, мабодо бирор кишининг бирор жойга борадиган иши бўлса рухсатсиз кетмасин деб та'кидлаб қўйган эди. Ўзи бўлса кўнгли-алағда бўлгани ҳолда бухгалтер блан ҳамма ишларни ҳар эҳтимолга қарши кўздан кечириш, тезда тартибга солиш устида маслаҳатлашмоқда эди. Шуон кўзи янги келган бир газетадаги «Олғирликнинг оқибати...» деган сарлавҳага тушиб, устидан муздек сув қўйгандек бўлди. Газетани олиб ўқиб кўрган эди, бир такси машинанинг олғир шофери ҳақида экан! Ичида «хайрият» деб қўйди.

Шу маҳал эшикни катта очиб, «мумкинми?» деб ҳалиги серсавлат киши кириб келди. Қорабоев ўтирган жойида суратдек қотиб қолди. У киши ҳам тўғри келиб ҳалиги газетага кўз ташлаб, овоз чиқариб: «Олғир» деб ўқиди, Қорабоев тошиб-пишиб:

— Ҳа, ҳа, лекин бир такси машинанинг шофери ҳақида, — деди. Кейин ҳалиги киши диванга ялпайиб ўтириб олди-да, сир бой бермасдан:

— Ўртоқ Қорабоев ўзлари бу ерда кўпдан бери ишлайдиларми? Яхши, яхши. Ҳаммаси бўлиб райпотребсоюзда неча киши ишлайди, аниқини... — деб ган бошлаган эди, Қорабоев унинг гапини иззоламоқчидай бўлиб:

— Шундай, ба'зи хизматчиларимиз ҳалигидақа... нима... интизомсиз... Шулардан ба'зисини янгиламоқчимиз. Бу тўғрида Ўртоқ Тоҳиров блан келишиб қўйганмиз... — деб қолди.

Шунда у ҳамон сир бой бермасдан турли-туман саволлар блан Қорабоевни ҳам, бошқа ходимларни ҳам расо гангитди. Гарчи райпотребсоюзда ҳамма ишлар жойида, кўнгил тўк бўлса ҳам, ба'зи-ба'зида бўлиб турадиган тасодифий воқиалардан Қорабоев ҳадиксираган. Райпотребсоюзда аллақандай бир ва'зият юз бериб турган пайтда, тошиб-пишиб кирган савдо бўлим мудири бу ўнғайсизликни ўртадан кўтарди:

—Э, — салом, салом!.. Ўртоқ Муқимбоев, қандай шамол учирди? Ўртоқ Қорабоев бу киши... Ҳалиги... Районда ўзлари боп бирор ма'қулроқ иш бўлса... деб келиб юриптилар... У... газетада «ишлайман» деб юрган бир танишимиз бор эдику, ўша кишига Ўртоқ ўзладилар, — деб қолди.

Томдан тараша тушгандек юз берган бу учрашувдан Муқимбоев:

— Ия, ҳаммага отнинг қашқасидек танилиб қолибман, — деб серрайганича ўтириб қолди.

Қорабоев анча енгил тортганидан, «ўҳ» деб қўйди.

Малик РАҲ'ОЙ.

Буюк Британия бош министри Антони Иден Г. М. Маленковни қабул қилди

ЛОНДОН, 19 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг ҳозирги вақтда Лондонда бўлган ўринбосари Г. М. Маленковни бугун Буюк Британия бош министри Антони Иден қабул қилди. Суҳбатда СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик ҳам қатнашди.

Совет энергетиклари делегациясининг Англияда бўлиши

ЛОНДОН, 19 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, электростанциялар министри Г. М. Маленков бошчилигидаги совет энергетиклари делегацияси Англияда атом энергияси соҳасида асосий илмий-текшириш маркази бўлган Харуэлл эксперимental атом станциясини бугун бориб кўрди. Совет меҳмонларини Британия атом энергияси масалалари бошқармасининг раиси сэр Эдвин Плауден, станция директори профессор Жон Кокрофт, унинг ўринбосари доктор Шонланд ва старший илмий ходимлар кутиб олдилар.

Қисқача кириш суҳбати ўтказилгандан кейин делегатлар группаларга бўлиниб ва станция старший илмий ходимлари ҳамрох бўлгани ҳолда станция установкаларини ва агрегатларини кўриб чиқдилар.

Совет энергетикларига графит секинлаштиргич ўрнатилган атом реактори кўрсатилди ва шунингдек станцияда радиактив материаллар билан муомала қилишда ишлатилаётган усуллар, медицина ҳамда саноат мақсадлари учун радиактив изотоплар ишлаб чиқариш усуллари кўрсатилди.

Совет делегациясининг а'золари янги қурилаётган кучли реакторни ҳам бориб кўрдилар. Бу реакторда секинлаштиргич вазифасини оғир сув бажаради. Делегатлар шу реакторнинг макетлари билан танишдилар.

Делегатлар станцияни кўриб юрган вақтда Британия радиоэшитириш корпорацияси (Би-Би-Си) телевизион студиясининг вакиллари Г. М. Маленковга мурожаат қилиб, кўрганларингиз тўғрисида ўз таассуротларингизни айтиб беришингизни илтимос қиламиз, дедилар. Бу илтимосга жавобан Г. М. Маленков, менинг кўрганларимга қараганда, станцияда иш яхши бораётир, деди. «Биз инглиз олимларида бўлган яхши нарсаларнинг ҳаммасини мамнуният билан ўрганамиз, шу билан бирга ўзимизнинг тажрибаларимизни ҳам баҳам кўришга тайёрмиз», — деди Г. М. Маленков.

Сўнгра делегация раҳбари Г. М. Маленков станция раҳбарлигига ва илмий ходимларига делегацияни яхши кутиб олганликлари учун ташаккур айтиб, Лондонга жўнаб кетди.

Харуэлда қолган делегация а'золари станцияни кўришни давом этдирдилар. Совет энергетиклари станцияни кўриб бўлганларидан кейин станциянинг директори профессор Жон Кокрофт меҳмонлар шарафига зиёфат берди.

Болгария билан Миср ўртасида савдо битими имзоланди

СОФИЯ, 19 март. (ТАСС). Қоҳирада Болгария Халқ Республикаси билан Миср ўртасида бўлаётган савдо музокаралари муваффақиятли тамом бўлди. Товар оборотини ва тўловлар тўғрисида имзоланган битимга мувофиқ, Болгария йил мобайнида Мисрдан пахта, цитрус ўсимликлари ва бошқа товарлар олади. Миср Болгариядан тамаки, машиналар, электр асбоб-ускуналари ва электр материаллари, чинни ва фаянс буюмлари ҳамда бошқа саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб туради.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

Чехословакия Республикаси Миллат Мажлисининг Миллат Мажлиси Раиси Зденек Фирлингер бошчилигидаги делегацияси 18 мартда Москва билан танишишни давом этдирди.

Миллат Мажлисининг депутатлари Ново-Песчание кўчалари районига, каркас-панель уйлар қурилаётган жойга бордилар. Москва Совети техника бошқармасининг бошлиғи Н. П. Плотников ва қурилиш бошлиғи С. С. Вишнепольский индустриал қурилиш методлари тўғрисида меҳмонларга сўзлаб бердилар. Улар қурилаётган уйларни ва тайёр квартираларни кўздан кечирдилар.

Сўнгра меҳмонлар В. И. Ленин номидаги Москва метрополитенини кўрдилар. Делегация а'золари ерости темир йўли бошлиғи А. И. Ежов ва Москва Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. С. Тихомиров билан биргаликда Новий Арбат радиуси ва метронинг халқа трассаси бўйлаб саёҳат қилдилар, бирқанча станцияларни кўздан кечирдилар.

Делегация а'золари билан биргаликда Чехословакия телеграф агентлигининг бош редактори А. Градецкий ҳам Москва билан танишди.

Кечқурун меҳмонлар СССР Большой театрида Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балетини кўрдилар. Спектакль бошланишин олдидан делегацияни театр директори М. И. Чулаки самимий табриклади. Томошабинлар чехословак халқининг вакилларини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Делегация а'золари билан биргаликда марказий ложада СССР Олий Совети Иттифоқ Совети раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари С. В. Кафтанов, Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Г. Зайцев, Чехословакия Республикасининг СССРдаги элчиси Я. Вошаглик, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, СССРдаги чехословак элчихонасининг мас'ул ходимлари, чехословак ва совет журналистлари бор эди.

* * *

19 мартга ўтар кечаси Чехословакия Республикаси Миллат Мажлисининг делегацияси Ленинградга жўнаб кетди. (ТАСС).

БМТ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ КОМИССИЯСИНИНГ КИЧИК КОМИТЕТИ ЎЗ ИШИНИ ЯНА БОШЛАДИ

ЛОНДОН, 19 март (ТАСС). БМТ Қуролсизланиш комиссиясининг Кичик комитети бугун Лондонда ўз ишини яна бошлади. Кичик комитетнинг ишида Совет Иттифоқи вакили—СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи ўринбосари А. А. Громико, АҚШ вакили—Гарольд Стассен, Англия вакили ташқи ишлар бўйича давлат министри Антони Наттинг, Франция вакили—Жюль Мок ва Канада вакили—Канаданинг Англиядаги Олий комиссари Норман Робертсон қатнашмоқдалар.

Англия вакили Наттинг Кичик комитетнинг мажлисини очиб, Кичик комитетнинг иши ёпиқ тартибда ўтказилади деб билдирди. У ўз нутқида қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш ҳал этилмаган бошқа халқаро проблемаларни ҳал қилиш учун катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб ўтди. Наттинг ўз нутқининг охирида, Кичик комитетдаги беш давлат вакилари қуролсизланиш проблемасини бамаслаҳат ҳал қилишга интилдилар, деб умид билдирди.

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг 1921 йил март ойидаги революцион жанглар йиллиги муносабати билан ўтказган намойиши

БЕРЛИН, 19 март. (ТАСС). Кеча Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари 1921 йил март ойида Ўрта Германияда бўлган революцион жанглар йиллигини нишонладилар. Матбуотнинг хабарларида айтилишича, Лейпцигда, Зўлда ва Германия Демократик Республикасининг бошқа шаҳарларида кўп кишилик намойишлар ва митинглар бўлган. Намойишларда ўн минглаб меҳнаткашлар — ишчи дружиналарининг а'золари қатнашганлар. Галлда 20 мингдан кўпроқ киши шаҳар кўчаларига чиққан. Ҳамма жойда намойишлар ва митинглар Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг тинчлик ва хавфсизлик учун, Германия тарихида биринчи ишчи-деҳқон давлати бўлган Германия Демократик Республикасини янада мустаҳкамлаш учун курашишга қат'ий бел боғлаганликларини билдириш белгиси остида ўтган.

ВЕНГРИЯ-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ



Венгрия Халқ Республикасида венгер-совет дўстлиги ойлиги ўтказилмоқда. Ойликни ўтказиш учун келган совет делегациясининг а'золари Будапештдаги кечалар ва йиғилишларда қатнашдилар.

Суратда: Уйпешт шерсть-газлама фабрикасининг Маданият уйида ўтказилган кечада совет делегациясининг а'зоси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. П. Мересьев кеча иштирокчиларидан бирининг илтимоси билан Б. Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса»сига автограф ёзмоқда. (ТАСС фотохроникаси).

Финляндияда умумий забастовкани тўхтатиш тўғрисида битим

ХЕЛЬСИНКИ, 19 март. (ТАСС). Буерда хабар берилишича, бугун кечқурун Финляндия касаба союзлари Марказий бирлашмаси билан корхона эгалари марказий союзи ўртасида шу йил 1 мартда Финляндияда бошланган умумий забастовкани 20 мартдан бошлаб тўхтатиш тўғрисида битимга келинган.

ИТАЛИЯДА ЗАБАСТОВКА ҲАРАКАТИ

РИМ, 19 март. (ТАСС). Италия саноатидаги турли тармоқларнинг ишчилари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

Варезда бирнеча заводнинг ишчилари ишҳақининг оширилишини талаб қилиб иш ташладилар.

Леньянодадаги (Милан вилояти) «Този» машинасозлик заводининг ишчилари 7 кун давом этган забастовкадан кейин корхона эгаларини ўз талабларини қондириш тўғрисида музокаралар бошлашга мажбур қилдилар. Ишчилар ишҳақининг оширилишини ҳамда ички комиссияларнинг (корхоналарда меҳнаткашларнинг сайланган органларининг) а'золарини та'қиб қилишни тўхтатишни талаб этмоқдалар.

Генуядаги «Эридания» қанд заводида корхона эгаларининг 130 ишчини ишдан бўшатишга ва 500 ишчининг ишҳақини камайтиришга қарор қилганликларига қарши норозилик юзасидан забастовка э'лон қилинди.

Сўнгги кунларда бирқанча бошқа шаҳарларда ҳам забастовкалар бўлди.

Греция министри Қоҳирага келди

ҚОҲИРА, 19 март (ТАСС). Грециянинг лавозимсиз министри Григорис Касиматис бугун Қоҳирага келди. Матбуотда хабар берилишича, Греция ҳукумати Касиматисни араб мамлакатлари билан Грециянинг алоқаларини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун яхши ният миссияси билан араб мамлакатларига юборган.

«Алаҳром» газетасининг ёзишича, Касиматис Миср бош министрига Греция бош министрининг мактубини олиб келган. У Миср бош министри билан иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлларини ҳамда воситаларини муҳокама қилади.

Газетанинг ёзишига кўра, Греция «араб мамлакатлардан Грецияни Кипр оролида инглиз империализмига қарши курашда қўллаб-қувватлашни илтимос қилади». Буерда хабар берилишича, Касиматис Мисрдан Сурияга, сўнгра Ливанга ва Саудия Арабистонига боради.

Туркия бош министри Қарачига келди

ПАРИЖ, 19 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Карачидан хабар беришича, кеча Буерга етти кунлик расмий визит билан Туркия бош министри Аднан Менлерес келган. Туркия ташқи ишлар министри Фуад Кепрюлю унинг билан бирга келган.

Ливанда ер қимирлади

БАЙРУТ, 19 март. (ТАСС). Матбуотда хабар берилишича, 16 мартда Ливанда ер қимирлаганлиги натижасида ўнларча қишлоқ вайрон бўлган. 140 киши ўлган ва 200 дан кўпроқ киши яралор бўлган. 3 мингдан кўпроқ аҳоли бошпанасиз қолган.

Дастлабки ма'лумотларга қараганда, ер қимирлаш натижасида етказилган зарар Ливан пули ҳисоби билан 25 миллион фунтни ташкил этади. Байрутда 43 бино шикастланган.

Ливанда 17 ва 18 мартда ҳам ер қимирлагани сезилган.

СПОРТ



Тошкент темирйўлчилар паркида шаҳар мактаб ўқувчиларининг волейбол мусобақаси бўлиб ўтди. **Суратда:** Марказий район ва Сталин район командалари волейбол ўйнамоқдалар. Ўйин 3:1 ҳисоби билан Сталин район командаси фойдасига ҳал бўлди.

М. Шариповнинг фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қишлоқ шашкачиларининг мусобақалари тамом бўлди

Тўқимачилар маданият саройида ўтказилган қишлоқ шашкачиларининг Бутуниттифоқ мусобақалари тамом бўлди. Мусобақалар 12 кун давом этди. Натижада Украина командаси 50 имкониятдан 37,5 очко олиб биринчи ўринни эгаллади. 33 очко олишга муваффақ бўлган Белоруссия ССР шашкачилари иккинчи, Молдавия спортчилари учинчи ва Ўзбекистон командаси 30,5 очко билан тўртинчи ўринни эгалладилар.

Бу мусобақада украиналик мастерликка кандидат З. Кадашевич 10 имкониятдан 9 очкога эга бўлиб, биронта ўйинда ҳам ютқазмади. Бундан ташқари мастерликка кандидат В. Шевченко (Украина ССР), биринчи разрядли спортчи А. Фомин (РСФСР), И. Хван (Ўзбекистон), И. Сюрис (Молдавия ССР) каби шашкачилар ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Ўзбекистон командаси составида ёш шашкачилар ҳам қатнашдилар. Масалан, Тошкент қишлоқ районидаги 4-нчи мактабнинг ўқитувчиси Светлана Ғофурова 6,5 очко олиб 5-нчи доскада тўртинчи ўринни эгаллади. Янгийўл районидаги Ўртаовул промкомбинатининг бош экономисти Давид Косяковский учинчи доскада яхши натижага эришди. Мастерликка кандидат А. Кабаков, Янгийўл 1-нчи МТСининг клуб мудири В. Квятковский, Қуйичирчиқ районидаги «Ш Интернационал» колхозининг ҳисобчиси, иккинчи разрядли шашкачи С. Пак ўртоқлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Қишлоқ спортчиларининг Бутуниттифоқ мусобақаларида ўзбекистонли шашкачилар бу йил ўтган йилдагига нисбатан яхшироқ кўрсаткичларга эга бўлдилар.

С. БОҚИЕВ.

Кураш мусобақаси

«Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг спорт залида спорт жамиятлари ва физкультура коллективларининг терма ёшлар ва ўсмирлар командалари ўртасида эркин кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Команда биринчилиги учун ўтказилган учрашувларда спорт мастери Г. Сандлер тренер бўлган «Динамо» жамиятининг спортчилари ғолиб чиқдилар. «Спартак» командаси иккинчи, «Локомотив» спортчилари учинчи ўринни эгаллади. Қишки спартакиада чемпионлари номини ёшлар ўртасида Чернецов, Шарипов, Палеев («Спартак»), Захаров, Шликов, Янбулатов, Василь («Локомотив»), Нуралиев («Буревестник») ўртоқлар олдилар. Ўсмирлар командалари ўртасида бўлган учрашувларда эса Қосимов («Спартак»), Саркисов («Локомотив»), Ильматов, Ванюхин (ТОДО), Гуляев, Колбинцев («Буревестник») ва Аблаев, Крис («Динамо») ўртоқлар ҳам қишки спартакиада чемпиони номини олдилар.

Мусобақа охирида ғолиб чиққан спортчиларга республика спорт комитетининг дипломлари топширилди.

А. ЛИБУС.

ОВЧИ БЛОКНОТИДАН

БУРГУТ

Олим отанинг бургути ҳақидаги овоза ҳамманинг оғзида достон бўлди. Айтишларига қараганда бу бургут еттита бўрини олган экан.

Мен бу воқиани аниқроқ билиш учун Фарғона область Чекшўра қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз а'зоси Олим отанинг олдига бордим.

— Сизнинг бургутингиз бирданига еттита бўрини олгани ростми? — сўрадим мен.

— Ҳа рост. Лекин бирданига эмас.

У менга бургутнинг қандай қилиб бўрини олганлигини айтиб берди. Бургут Олим отанинг қўлида бирнеча йил турипти. Шу давр ичида бирнеча тулки, қуён ва еттита бўри овлаб, сакризинчисида бургутнинг ўзи ҳалок бўлипти.

— Қандай қилиб? — шошилиб сўрадим мен.

—Бургут доим бир оёғининг панжаси билан бўрининг белидан, иккинчиси билан тумшуғидан ушлар эди, — дея давом этди у. — Бу сафар тулкидан ҳам айёр қари бўри учраб қолди. Бургут қанча човт солмасин бўри бепарво юришида давом этарди. Улар бир жойданинг ёнида борганда бургут тўсатдан хамла қилиб қолди ва иккинчи чангали билан жойдани ушлаб олди. Натижада бургутнинг бир оёғи жойдада қолиб, иккинчиси бўри билан кетди, — деди.

Иккига бўлинган бургутнинг бу ғалати ҳолатини кўрган мен воқеликнинг нима бўлганлигини мен осонлик билан тушуниб олдим. У, ҳалок бўлган эди.

Бургут йиртқич қуш ҳисобланади. Улар баланд тоғ ёнбағирларига уя солиб ўз болаларини то учирма бўлгунча гўшт бериб боқадилар.

Болалари учирма бўлгач, кўтариб чиқиб парвоз қилишга ўргатадилар. Бургутлар чорвага, айниқса ёш қўзи-улоқларга катта зарар келтирадилар. Уларни қўлда ўргатилса ов қиладилар ва овларини ўз эгаларига келтириб берадилар. Бургутларни тоғли жойларда йил бўйи овлашга ижозат этилган.

Х. ҲАКИМОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Қишлоқ хўжалик фильмлари фестивалини муваффақиятли ўтказайлик

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езди Директиваларида деҳқончилик ва чорвачиликни кескин суратда юксалтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Областимиз колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг ходимлари ҳамда барча меҳнаткашлар олдида Директиваларда белгиланган тадбирларни амалга оширишдек улуғвор вазифалар турипти.

Бу вазифаларни бажариш учун с'езд Директиваларида айтиб ўтилганидек, агрономия фани ютуқларидан ва илғор иш тажрибаларидан фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш процессини бошқариш маданияти савиясини ошириш зарур.

Совет агробиологиясининг ютуқлари, колхозчилар ҳамда совхоз, МТС ишчиларининг илғор иш тажрибаларини кенг пропаганда қилиш ва ўзлаштиришда мамлакатимизда кўплаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик фильмлари катта роль ўйнайди. Шунинг учун СССР Маданият министрлиги шу йилнинг 1 январидан 1 майигача барча қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик фильмлари фестивалини ўтказмоқда.

Тошкент областининг кўпчилик районларида қишлоқ хўжалик фильмлари фестивали муваффақиятли ўтказилаётир. Масалан, Ўртасарой районининг колхоз ва МТСларида февраль ойи ичида 21 жойда қишлоқ хўжалик фильмлари намойиш қилинди. Ҳарбир фильм олдидан район партия, совет органларининг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик мутахассислари томонидан лекциялар ўқилди. Шу жумладан маккажўхори агротехникасига доир фильм олдидан район партия комитетининг биринчи секретари, агроном ўртоқ Юнусов «Чорвачиликнинг ем-хашак базасини яратишда маккажўхорининг аҳамияти» тўғрисида; сугориладиган ерларда пахтачилик агротехникаси тўғрисидаги фильм олдидан «Пахтачиликда янги прогрессив усулларнинг аҳамияти» ҳақида агрономлардан Исҳоқжонов, Югай, Ҳожимуродов, «Полярная звезда» колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Ғам Семён, зоотехник Хўжаев ва бошқа ўртоқлар лекция ўқидилар. Кўп фильмлар колхозчи ва МТС ишчилари томонидан муҳокама қилинди.

Афсуски, бу иш ҳамма районда ҳам яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Масалан, Сирдарё районида атиги 5 сеанс кино кўрсатилган. Бу районда қишлоқ хўжалик фильмлари фестивалини ўтказишга нисбатан э'тиборсизлик билан қараш ҳоллари айниқса биринчи Сирдарё МТСида яққол кўзга ташланади. МТС ходимларига кўрсатилган «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида» деган илғорлар тажрибасини тарғиб қилучи фильм олдидан «Одамни худо яратмади, меҳнат яратди» деган темада, «XVIII партконференция» колхозида «Қишлоқ хўжалик механизаторлари» фильми олдидан «Болаларни оилада коммунистик руҳда тарбиялаш» деган темада лекция ўқилган. Ҳолбуки, бу лекциялар кўрсатилган фильмлар мазмунига мос эмас. Бошқа жойларда фильмлар бутунлай лекциясиз ўтказилган.

Боёвут районида қишлоқ хўжалик мутахассислари 50 га яқин киши бўлгани ҳолда киносеанс олдидан ўтказиладиган лекцияларни ўқиш агрономия ёки зоотехникадан мутлақо хабари бўлмаган район маданият бўлимининг мудири Обидов, мактаб директори Худойбеков ўртоқларга топшириб қўйилган.

Кинофильмларни кўришга колхозчи ва совхоз ишчиларини жалб қилиш иши ҳали ҳам қониқарсиз олиб борилмоқда. Оҳангарон районининг Андреев, Куйбишев номли колхозларида ва 2-нчи МТСда кўрсатилган қишлоқ хўжалик фильмларини 22—32 киши тамоша қилган, холос. Верхне-волинск районида қўйилган фильмларни эса 50 га яқин киши кўрган.

Бу муҳим тадбирларни ўтказишда жиддий камчиликларнинг юз бераётганлигига айрим район ташкилотлари билан бир қаторда область ташкилотининг ба'зи раҳбарлари ҳам айбдордирлар. Бу ўринда шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалик фильмлари фестивалини ўтказишга раҳбарлик қилиш юзасидан тузилган область комиссияси (раиси ўртоқ Қудрат Анваров) бутун ишни қоғозбозлик билан амалга оширишга уринмоқда. Республика комиссиясининг а'золари Тошкент области районларига чиқиб, фестиваль ўтказишда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, зарур йўл-йўриқ кўрсатиб берган эди. Броқ шунга қарамай, область комиссиясининг а'золари мавжуд камчиликларни тугатиш ва амалий раҳбарлик қилишга ҳалигача киришганлари йўқ.

Область кинолаштириш бўлимининг мудири Анваров ва қишлоқ хўжалик ходимлари союзи область комитетининг раиси Гудович ўртоқлар ҳар куни жойларга телефон қиладилар, ўнларча телеграмма юборадилар ва юзларча қоғоз ёзиб жўнатадилар. Аммо уларнинг ҳаммаси расмиятчилик учун қилинган ишлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг фестивальнинг қандай ўтказилаётганлигидан хабарсиз ўтирганликларига тааажжубланмаса ҳам бўлади. Ҳозир март ойининг иккинчи ярми бўлганига қарамай, улар февраль ойининг якунларидан ҳам хабарсиз.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Иброҳимовга маҳаллий қишлоқ хўжалик органларига фестивальни ўтказишда бевосита ёрдам бериш вазифаси юклатилган эди. Лекин ўртоқ Иброҳимовнинг ҳам область фестиваль комиссияси а'зоси сифатидаги фаолияти МТС директорларига биттадан хат ёзишдан нарига ўтмади.

Комиссия а'золари—область лекция бюросининг директори Каменецкий, сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи жамият область правлениесининг секретари Асқаров ўртоқлар кинофестиваль пайтида ўқиладиган лекциялар савиясига аҳамият бермаётирлар.

Қишлоқ хўжалик илғорлари ва агробиология фанининг ютуқларини кино ҳамда лекциялар орқали пропаганда қилишдек муҳим иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Мавжуд камчиликларни тугатишда область маданият ва қишлоқ хўжалик бошқармалари, область касаба союзи ва комсомол комитетлари, лекция бюроси, сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамият ҳамда уларнинг районлардаги ташкилотлари ўз ишларида кескин бурилиш ясашлари лозим. Ана шундагина Биринчи майгача ўтадиган қишлоқ хўжалик фильмлари фестивалини муваффақиятли ўтказиш мумкин.

Г. АЛИМУҲАМЕДОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Қутлуғ қон**, 22/III да **Шамсиқамар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Фарҳод ва Ширин**, 22/III да **Азиз ва Санам**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА (Навоий кўчаси. 69) — 21,22,23,24,25/III да **Хоразм область театрининг концертлари**. Ўзбекистон ССР халқ артисти **Султонпошшо Раҳимова** ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Бугун ва ҳар куни **Пан То Си аттракциони, Тува цирк артистларининг гастрол-лари, икарий ўйинлари** ва бошқа номерлар. Томоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Яшил чироқлар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
26 мартдан 4 апрельгача
ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида
КАТТА
кундузги томошалар
Томошалар кундуз соат 3 да, якшанба кунлари кундуз соат 1 ва 4 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг
ТОШКЕНТ АВТОБУС ПАРКИ
Гражданларга
қуйидаги
Шаҳар маршрутлари очилганлигини
БИЛДИРАДИ
41-нчи маршрут автобуслари Сквер — Троицкий поворот орасида ва 27-нчи маршрут автобуслари Тошкент — Ангрен орасида қатнайди (автобуслар ҳар куни Революция скверидаги станциядан жўнайди).
39-нчи маршрут автобуслари Комсомол кўли — Заҳарик орасида қатнайди (автобуслар «Комсомол кўли» станциясидан жўнайди).

Оржоникидзе район, Оржоникидзе посёлкаси, Ворошилов кўчаси, 46-нчи уйда туручи **Алим Шамшиевнинг** Қорасув район, Ленин қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда туручи Санобар Қодирова-Шамшиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

М. Горький кўчаси, 21-нчи тупик, 2-нчи уйда туручи **Рува Исакович Динкининг** шу уйда туручи Мария Давидовна Смородинскаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136 Пропаганда бўлими — 136, Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135, Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01392 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1399.